Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҳақиқати

1988 йил 6 март
ЯКШАНБА
№ 54 (4.250).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 4 тийин.

СОВЕТ ХОТИН-ҚИЗЛАРИДАН МИННАТДОР ВАТАН

МОСКВА

Баҳор билан бирга ёрқин байрам — Халқаро хотин-қизлар куни 8 Март ҳам одамларни хушнуд этиб келади. Совет хотин-қизлари қандай миллатга мансуб бўлмасин, уларнинг тақдири Ватан, бутун халқ тақдиридан ажралмасдир.

5 март куни Москвада, ССР Иттифоқи Большой театрида партия, совет ва жамоат ташкилотлари вакилларининг Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш аҳли **М. С. Горбачев, А. А. Громико, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, В. П. Никонов, Н. Н. Слюньков, М. С. Соломенцев, В. М. Чебриков, Э. А. Шеварднадзе, А. Н. Яковлев, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, Ю. Д. Маслюков, Г. П. Разумовский, Н. В. Тализин, Д. Т. Язов, О. Д. Бакланов, А. П. Бирюкова, А. И. Лукьянов, И. В. Капитонов** ўртоқларни қарсаклар билан кутиб олди.

СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Раисларининг ўринбосарлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, ҳарбий бошлиқлар, илғор ишчи аёллар, фан ва маданият арбоблари ҳам президиумдан жой оладилар.

КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари А. А. Низовцева партия Марказий Комитетининг Совет хотин-қизларига табрикномасини ўқиб эшиттирди, бу табрикнома узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб олинди. У совет хотин-қизлари шанига сидқидилдан самимий сўзлар айтилганлиги учун, уларнинг меҳнати ва социал ролига юксак баҳо берилганлиги учун, КПСС Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси Ватаннинг шонли хотин-қизлари самарали ишлаши ва дам олиши учун, бахтиёр оналик учун зарур шароитлар яратишда доимо гамхўрлик қилаётганликлари учун йиғилиш аҳли номидан КПСС Марказий Комитетига чуқур ташаккур ва миннатдорчилик изҳор этди.

Биз, деди доклад қилган Совет дўстлик жамиятлари союзи президиумининг раиси В. В. Терешкова, КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифаларни амалга ошириш учун курашнинг ҳал қилувчи босқичига қадам қўйдик. Бу эса жамиятнинг ҳар бир аъзосидан юксак активликни, янгича фикрлашни, янгича маънавий даражада бўлишни талаб қилади. Бугунги кунда партия қайта қуриш вазифаларини амалга оширишда хотин-қизлардан янада кўпроқташаббус, куч-ғайрат, масъулият, кўпроқ конкрет ҳаракатлар кутади.

Хотин-қизлар ролини ошармай туриб, жамият ҳаётини бундан буён демократиялаштириш мумкин эмас, жамиятда хотин-қизлар ролининг ўсиши эса уларнинг меҳнат, турмуш, дам олиш шароитларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ҳа, бугунги кунда хотин-қизлар камситилмай меҳнат қилишмоқда. Лекин хотин-қизлар ўз касбкоридан нечоғлик мамнунлиги, хизматда ўсиш, умумий маълумотини, профессионал ва маданий савиясини ошириш жиҳатидан шунчаки эзлон этилган имкониятларгагина эмас, балки амалда қандай имкониятларга эга бўлганлиги ҳам муҳимдир.

Саноатда, қишлоқ хўжалигида, қурилиш ишларида ҳозирча кўпгина хотин-қизлар кам малакали, оғир меҳнат билан банддир. Ишлаб чиқаришни техника жиҳатидан қайта жиҳозлаш ҳамиша ҳам хотин-қиз ходимлар малакасини ошириш билан қўшиб олиб борилмайди. Хўжалик юритишнинг янгича методлари эндиликда корхоналар ўзининг хўжалик ҳисоби даромадининг бир қисмини хотин-қизларнинг меҳнат шароитларини ва меҳнатини муҳофаза қилишни яхшилашга сарфлаш имконини беради. Аммо корхоналар ана шу мақсадлар учун қилинадиган ҳаражатларни кўпинча камайтиришади. Ҳолбуки, аёл ўзини социал жиҳатдан муҳофаза этилган деб ҳис қилмоғи, давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун унинг меҳнат ва турмуш шароитлари хусусида берадиган ҳуқуқлардан фойдалана билмоғи керак.

Партия XXVII съезди социал программасини амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Уй-жой қурилишидаги, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат ишидаги, соғлиқни сақлаш соҳасидаги камчиликлар кўпроқ хотин-қизларга таъсир этади.

Аёл меҳнаткаш, гражданка ва она вазифаларини узвий қўшиб олиб бориши масаласи ҳамон муҳим бўлиб қолмоқда. Совет хотин-қизлари ҳаётининг ҳамма соҳаларида, жамиятда рўй бераётган ҳамма жараёнларда қатнашиб келди ва қатнашаверади. Айни ўз ҳаёт йўлини танлаб ола билиш имконияти уни чинакам тенг ҳуқуқли қилади, деди докладчи.

КПСС Марказий Комитетининг 1988 йил февраль Пленумида ёш авлодни тарбиялашдаги ишларнинг аҳволи тўғрисида, бу ерда камчиликлар оз эмаслиги ва аҳволни тузатиш учун жиддий чоралар кўриш кераклиги ҳақида тўппа-тўғри ва ошкора айтилди. Бугунги кунда парталарда бўлғуси меҳнатчиларгина ўтиргани йўқ. Улар эртанги хотин ва она, эр ва оталардир. Уларга оналик ва оталикнинг, оила бурчининг муқаррар қадриятлари нақадар қимматли бўлиши уларни оила билан мактаб қандай тарбиялашига боғлиқ бўлади.

Оила тўғрисида гамхўрлик қилар эканмиз, одатда, аввало онанинг роли ҳақида гапириб, отанинг ролини, унинг обрў-эътиборини оширишни унутиб қўямиз. Оилавий муносабатларда эр-хотин — мусиқанинг икки торидирки, бу қалб торларисиз тўғри ва яхлит бир аккорд яратиб бўлмайди. Оилани мустаҳкамлаш, унинг жамият ҳаёти ва ривожланишидаги ролини ошириш, — муҳим социал вазифадир. Онага, оилага ёрдам бериш масаласи — социал адолат масаласидир. Партия ана шу масалаларни ҳал қилишга жамият эътиборини айни ўз вақтида жалб этди.

Хотин-қизлар кенгашлари, Совет хотин-қизлари комитети ўз фаолиятида социал проблемалар кенг доираси билан шуғулланмоқда. Хотин-қизлар кенгашлари кучга тўлишиб бормоқда, лекин қилинадиган асосий ишлар ҳали олдинда. Ҳозирги қайта қуриш шижоаткорларини, қайта қуришнинг муваффақияти учун шахсан масъулият ҳис этганларни қўллаб-қувватлаш муҳимдир.

КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми мактабларни қайта қуриш масаласини янгича, ўткир қилиб қўйди. Айнан ўқитувчигина болаларда меҳнат ва билимга меҳр-муҳаббат туйғуларини тарбияламорғи, уларни юксак гояларга жалб этмоғи, ўз Ватани ҳимояси учун тайёр турувчи ватанпарварлар, бошқа халқларнинг қулфатидан қайғурадиган интернационалистлар қилиб ўстириши керак. Биз учун «Ватан» ва «Она» деган энг муқаддас тушунчалар ҳаётнинг ўзи билан, халқ онги билан чамбарчас боғланиб кетган.

Халқ умумий маданиятини оширишда хотин-қизларнинг роли ҳамиша катта бўлиб келган. Авлодлар ўртасидаги алоқанинг узилмаслиги хотин-қизларга кўп даражада боғлиқдир. Ҳар бир халқнинг иззат-нафси, номуси, тили, анъаналари ва тарихига чуқур ҳурмат билан қаралганда, улар ўртасида муомала-мулоқотлар кенгайтирилгагина ҳақиқий халқлар дўстлиги мумкин бўлади. Она ўз фарзандларига социализмнинг чинакам буюк ғалабалари — қардошлик, тенглик, ўзаро ёрдамнинг мустаҳкам ришталари ўрнига миллий адоватлар хавф солишига рози бўлолмайди. Ўз Ватанига муносиб Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи гражданини тарбиялаш — ҳар бир онанинг муқаддас бурчидир, деб таъкидлади докладчи.

Мамлакатимизнинг халқаро обрў-эътибори катта. Совет тинчлик ташаббусларига ишонч ортиб бормоқда. Барча мамлакатларнинг хотин-қизлари Совет—Америка Шартномасини реал қуролсизланишнинг бошланиши деб қабул қилдилар.

Бу йил халқаро демократик хотин-қизлар жамоатчиликлари 8 Мартни «Ўртача ва камроқ олислик ракеталари юзасидан тузилган Шартнома ратификация қилиниши учун! Ядросиз дунё бўлсин!», деган шиорлар остида нишонламоқда. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий активлиги хотин-қизлар ҳаракати доирасидан ортиб кетди. Улар парламент аъзолари, олимлар, врачлар, маданият арбоблари ҳаракатида, экологик бирлашмаларда, дўстлик ҳаракатида қатнашмоқдалар.

Совет хотин-қизлари билан социалистик мамлакатлар хотин-қизлари ўртасида дўстлик ришталари юракдан-юракка тортилди. Биз социализмнинг бунёдкорлик имкониятларидан тўла фойдаланиш учун қўлни-қўлга бериб ишлаяпмиз.

Совет кишисининг қалби шундайки, у бошқа халқлар қулфатларига бефарқ қаролмайди. Хотин-қизларимиз учун Фаластин, Афғон, Никарагуа хотин-қизларининг оғир қулфатлари умумий қулфатдир. Жанубий Африка ва Чили оналарининг ғам-ғуссаси — бизнинг ҳам ғам-ғуссамиздир.

Совет хотин-қизлари, деди пировардида В. В. Терешкова, жамиятни революцион янгилашга салмоқли ҳисса қўшиб Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини меҳнатда янгидан-янги ютуқлар билан кутиб оладилар.

СССР халқ артисти В. С. Лановой совет хотин-қизларига табрик сўзи айтди.

Ёш пионерлар ва мактаб ўқувчиларининг катталарга табрик сўзлари ҳар қачонгидек баҳор байрамида бўлиб келгани сингари шодиёна ва порлоқ бўлди.

Сўзга чиққанлар Москва хотин-қизлари, меҳнаткашлари партия белгилаб берган режаларни амалга ошириш учун куч-ғайратларини аямайдилар, тинчлик ишини шавкатли меҳнатлари билан мустаҳкамлайдилар, деб КПСС Марказий Комитетига, Марказий Комитет Сиёсий бюросига, Совет ҳукуматига ваъда бердилар.

(ТАСС).

М. С. ГОРБАЧЕВнинг Ф. Мури билан учрашуви



Суратда: учрашув пайти. (ТАСС — ЎзТАГ телефотоси).

4 март куни М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетида Австрия Коммунистик партиясининг Раиси Франц Мури билан учрашди. Учрашувда Австрия Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси В. Зильбермайр ва Австрия Компартияси Марказий Комитети секретариатининг аъзоси И. Штайнер қатнашдилар.

М. С. Горбачев ўртоқлар билан саломлашгач, Совет раҳбарияти, КПСС қайта қуришни амалга ошираётган экан, ўзларининг барча коммунистлар олдидаги катта масъулиятини доимо ҳис этиб турибдилар, чунки гап социализм бойликларини кўпайтириш, тинчликни қарор топтириш тўғрисида бормоқда, деб айтди. Марксизм-ленинизм таълимотидан тўлатўкис фойдаланиш — рўй бераётган воқеаларни англаш ва тўғри хулосалар чиқаришнинг синалган усулидир. Бу — ижодкорликни ва танқидий фикрлашни, ўтмишдан сабоқлар чиқариб олиш ва воқеаларнинг боришини олдиндан фахмлай билишни талаб қиладиган оғир меҳнатдир.

Маълум бир пайтга келиб, турмуш КПССни шундай маррага келтириб қўйдики, энди биз амалий муаммолардан ортиқ бўйин товлай олмас эдик. Ўмуман реал аҳволни эътиборсиз қолдириш — оппортунизмнинг энг ёмон туридир, деб таъкидлади М. С. Горбачев.

Биз ҳозирги дунёни янгича тафаккур асосида таҳлил этиб, унинг бир неча ўн йил илгаригидан нақадар фарқ қилишини кўрдик. Янгича тафаккур бизга объектив вазиятни синчиклаб таҳлил этиш ҳамда масъулиятли ва самарали сиёсатни ишлаб чиқиш имконини берди. Янгича тафаккур биз учун янгилик ўйини эмас, балки назарий ва сиёсий талабдир.

Биз тўғри фикрлаб, тўғри иш тутганимизни икки йилдан кўпроқ вақт кўрсатди. Меҳнаткашлар, демократик жамоатчилик, кўпгина сиёсий доираларнинггина эмас, шу билан бирга Ғарбдаги «ҳарбий партия»нинг ҳам биздаги янгича фикрлашга ва янги халқаро сиёсатга нисбатан тутаётган йўли биз дунёни ҳалокатдан сақлаб қолиш ишида тўғри йўлдан бораётганимизга ишончимизни мустаҳкамлаяпмиз.

Янгича тафаккурнинг бошқа бир жиҳати шундан иборатки, биз шу тафаккур ёрдамида унга асосланган сиёсат орқали социалистик жамиятнинг инсонпарварлигини очиб боряпмиз.

Кўп йиллар мобайнида Ғарбдаги одамларнинг миясига социализм уруш натижасида келиб чиқади ва унинг мақсади ҳам бутун дунёни эгаллаб олишдан иборат, босқинчилик унинг табиатига хос хусусият ва қуролланиш пойгаси учун айни социализм айбдор, деган гапларни қўйиб келган эдилар. Биз бўлсак, қайта қуриш ва янгича фикрлаш орқали социализмнинг моҳиятини, инсонпарварлик маъносини ҳаммага кўрсатиб бериш имконига эга бўлдик. Жаҳон жараёнидаги синфий ва умумбашарий негизларнинг энг жонли алоқаси, ҳозирги дунёнинг асосий муаммоларини аввало мазкур муаммолар ва мавжуд хавф-хатарлар асосий оғирлиги азобини тортаётган меҳнаткашлар оммасининг манфаатларини кўзлаб ҳал этишда ана шу синфий негизлар билан умумбашарий негизларни бирга қўшиш шу жумлага киради.

Коммунистлар ўзларини меҳнаткашлар манфаатларининг энг изчил ҳимоячилари, деб ҳақли равишда айтадилар. Қайта қуриш эса социализм ҳақидаги тўғри тасаввурга хизмат қилади, бу тасаввур ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг манфаатларига хизмат қилади, ҳамма жойда ҳар бир мамлакатнинг ўз йўлини мустақил танлаб олишга, миллий манфаатларини ҳамда бутун цивилизациянинг интернационал манфаатларини қаттиқ туриб ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Ф. Мури ҳам барча коммунистлар учун энг асосий вазифа тинчликни сақлаб қолиш вазифасига катта эътибор берди. Европа хавфсизлиги муаммолари ўртача ва камроқ олислик ракеталарига оид Шартноманинг имзоланиши туфайли ядровий қуролсизланиш йўлидан олга силжиш учун ҳам, шунингдек оддий қурол-яроғларни ва қуролли кучларни тенг ҳуқуқли асосда фақат мудофаа даражасигача қисқартириш учун ҳам очиб берган имкониятлар нуқтаи назаридан муҳокама қилинди.

Суҳбатдошлар НАТОнинг қисқартириладиган қуроллар «ўрнини тўлдириш» режаларини Европадаги ҳарбий қарама-қаршиликни камайтириш учун очилган истиқболларга катта хавф, деб баҳоладилар, Ғарбий Европанинг бирлашув жараёнларидаги урушқоқлик жиҳати кучайганига эътиборни қаратдилар, ўзларининг «Умумевропа хонадони» концепциясига. Хельсинки Якунловчи актининг ҳамма жиҳатларини тўла-тўкис рўёбга чиқаришга содиқ эканликларини тасдиқладилар.

М. С. Горбачев бетараф давлатларнинг Европа жараёнига қўшадиган ҳиссаси аҳамиятини таъкидлади. Биз ана шу давлатларнинг мустақил ҳиссасини қадрлаймиз, деди у. Бу — Европа сиёсатининг бутун элементидир, шу сабабли биз буни доимо эътиборга оламиз. Агар Европа бетараф давлатларнинг мустақил ҳиссасидан маҳрум бўлиб қолса, бу нарса халқаро кескинликни юмшатиш имкониятини жуда камайтириб юборган бўлур эди.

М. С. Горбачев австриялик коммунистларнинг Европадаги ва халқаро майдондаги вазиятни соғломлаштиришга Австриянинг қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришга интилаётганликларига, бу ҳиссани улар давлат шартномасига изчил риоя этиш билан боғлаётганликларига хайрихоҳлик билан қаради. Австрия халқи, деди М. С. Горбачев, бу шартномадан қандай наф олганлигини яхши сезиб турган бўлса керак. Бу шартномага риоя этиш эса миллий муаммогина эмас, шу билан бирга Австриянинг «Умумевропа хонадони»ни барпо этишга қўшадиган ўзига хос ҳиссасини белгилаб берадиган умумевропа муаммоси ҳамдир.

М. С. Горбачев билан Ф. Мури халқаро коммунистик ҳаракатнинг баъзи муаммолари ҳақида гаплашиб олдилар. Октябрь 70 йиллиги арафасида Москвада бўлиб ўтган халқаро учрашувнинг муҳимлигини таъкидладилар. Янги муҳитда коммунистик партиялар ўртасидаги алоқалар кучая бошлаганини қўллаб-қувватлаб гапирдилар. Халқаро жараёнларни дўстлар билан биргаликда, коллектив асосда таҳлил этиш яхшироқ, деб таъкидлади М. С. Горбачев. Муваффақиятнинг гарови ҳам, хатоларга йўл қўймасликнинг катта гарови ҳам мана шундан иборат. Ҳозир содир бўлаётган жараёнларни идрок этиш, бу жараёнлардаги ўз ўрнини қидириш, янги ёндашувларни ишлаб чиқиш коммунистик партияларга хос хусусият бўлиб қолганлиги суҳбатда уқтириб ўтилди.

КПСС билан АКП ўз муносабатларини муштарак мафкуравий негизларга қурадилар. Улар дўстдирлар, уларнинг фикрлари бир-бирига ғоят мос келади. Шу билан бирга ҳар бир партия мутлақо мустақил бўлиб, ўз мамлакати учун, унинг меҳнаткашлар оммаси манфаатлари учун масъулдир. Халқаро коммунистик ҳаракатда умумийлик ва хусусийликни бирга қўшиш диалектикаси мураккаб илмдир. Бир партиянинг тажрибаси иккинчисига механик тарзда ўтказиладиган бўлса, кўп зарар кўрамиз.

М. С. Горбачев СССРдаги қайта қуриш сиёсати билан бирдамликлари учун австриялик ўртоқларга миннатдорчилик билдирди, қайта қуришнинг янги босқичида ҳал этилаётган муаммоларни қисқача таърифлаб берди. Шу билан бирга у жамият ҳаёт фаолиятининг барча соҳаларига халқни жалб қилиш — бош мақсад эканини таъкидлади. Инсоният ривожидаги юқорироқ босқич бўлмиш социализм, аслида шу билан фарқ қиладики, у инсоннинг бегоналашувига узилкесил зарба уришдек тарихий вазифани ҳал этади.

Социалистик жамият ўзини-ўзи таҳлил этишга, ўзининг-ўзи танқид қилишга қодирлиги билан ҳам келажакка ишончини намойиш этмоқда. Биз ўз-ўзимизни танқид қилаётганимиздан муҳолифларимиз фойдаланаётганликларини, қайта қуришимизнинг социалистик моҳиятини тушунишни хоҳламаётган ёки тушуна олмайдиган кишилар уни қабул этмаётганликларини кўриб турибмиз. Аммо социализм янгича тафаккур орқали, янгича ёндашувлар ва ўз-ўзини танқид орқали ўз тараққиётининг жўшқинлигини таъминлаши, ўзининг инсонпарварлик табиатини рўёбга чиқариши биз учун энг муҳимдир. Шу сабабли танлаб олинган йўлдан қатъият билан олга бораверамиз. Бу соҳада зўр мардлик, революцион изчиллик ва қатъият талаб қилинади. Қийинчиликлар бўлиши муқаррар. Бизга шу қадар кўп мерос қолдики, улардан бирданига халос бўлиш мушкул. Бироқ биз саросимага ҳам тушмаймиз, ўринсиз кайфи чоғликка ҳам берилмаймиз. Биз қайта қуриш юзасидан жуда катта принципиал қарорлар қабул қилдик. Эндиги бош вазифа — узоқ муддатга мўлжалланган кундалик оддий иш ва кураш билан шуғулланишдан иборат. Бизда муваффақиятга умид боғлаш учун ҳамма асослар бор.

Учрашув КПСС билан АКП ўртасидаги муносабатларнинг қардошларча характерини тасдиқлади. М. С. Горбачев австриялик коммунистларга, Австрия меҳнаткашларига энг яхши тилаклар топширишни сўради.

(ТАСС).

ТОШКЕНТ

Мана шу март кунларида биз она юртимизда ниҳоятда файзли умумхалқ байрамларидан бири — 8 Март Халқаро хотин-қизлар кунини нишонлаймиз. Советлар мамлакатида она, меҳнаткаш аёл эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эгадир. Болаларни тарбиялаш, меҳнат ва ижтимоий ҳаётда қатнашиш учун хотин-қизларга қулай шарт-шароит яратилган. Ватанимиз шонли хотин-қизларининг фидокорона меҳнати, уларнинг оила ва рўзғор тебратишдаги тадбиркорлиги, ижтимоий фаоллиги, оналик меҳр-муҳаббати ва самимияти бутун халқимизнинг чексиз ҳурмат-эҳтиромига сазовордир.

5 март куни Тошкентда Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан республика пойтахти жамоатчилиги вакилларининг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

В. И. Ленин номли СССР халқлари дўстлиги саройининг байрамона безатилган залига партия ва меҳнат ветеранлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, ишлаб чиқариш илғорлари, фан ва маданият арбоблари ташриф буюрдилар. Улар байрам арафасида республикамизнинг ажойиб меҳнаткаш аёлларига ўз ҳурмат-эҳтиромини изҳор этиш учун бу ерга келдилар.

— Владимир Ильич Ленининг хотин-қизларни социал жиҳатдан озод қилиш тўғрисидаги йўл-йўриқларига қатъий амал қилаётган Коммунистик партиямиз ва Совет давлати аёлларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш учун кўп иш қилди, — деб таъкидлади кириш сўзида Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Ҳ. Алимова. — Хотин-қизларимиз бугунги кунда халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида ғайрат-шижоат билан самарали меҳнат қилмоқдалар. Партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини бажаришга, ёш авлодни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Уларнинг актив иштирокисиз революцион ўзгаришларда муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театрининг актёри СССР халқ артисти, СССР Давлат мукофоти лауреати З. Муҳаммаджонов, «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси, Ленин ордени нишондори, СССР Давлат мукофоти лауреати В. М. Харитонова, Тошкент районидаги К. Маркс номли колхоз раиси Р. А. Акбаров, интернационалист жангчи, Қизил Байроқ ордени нишондори Г. В. Удовиченко, Ўрта Осиё медицина педиатрия институти бешинчи курс студенти А. Нуриддинов, Тошкентдаги 22-болалар уйи директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. П. Хлебушкина хотин-қизларнинг мамлакат, республика, ҳар бир совет кишиси олдидаги катта хизматлари тўғрисида гапирдилар. Нотиқлар СССРда, бошқа социалистик мамлакатларда хотин-қизлар масаласининг муваффақиятли ҳал этилганлиги халқаро ишчилар ҳаракатининг янада ривожланишига қудратли омил бахш этганлигини таъкидладилар. Қаерда яшаётганидан қатъи назар, оналар учун мусаффо осмонни кўриб туришдан, болаларнинг хушчақчақ кулгисини эшитишдан ортиқроқ бахт-саодат йўқ. Шунинг учун ҳам аёллар империализм кучлари авж олдираётган қуролланиш пойгасига қарши чиқмоқдалар, Совет Иттифоқининг ядро уруши хавфини бартараф этишга қаратилган янги тинчлик ташаббусларини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар.

Шу билан бир қаторда, деб таъкидланди йиғилишда, аёллар проблемасини ҳал этиш борасида эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда республикада оналик ва болаликни муҳофаза этиш соҳасида ҳали камчиликлар ҳам бор. Жамиятимиз ҳамма жабҳаларини янгилаш жараёнида хотин-қизларнинг маънавий имконитидан тўлароқ фойдаланиш учун янада кўп иш қилиниши керак.

Йиғилиш аҳлини болалар қутлашди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Р. Н. Нишонов, Т. А. Алимов, В. П. Анищчев, В. А. Антонов, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, В. Н. Лобко, Н. И. Попов, М. Ҳ. Холмуҳамедов, Б. Ф. Сатин, В. А. Хайдуров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Қ. Ҳ. Маҳамадалиев, В. В. Сударенков, С. У. Султонова иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Совет—Канада трансарктика чанғи сафарининг қатнашчиларига

Тарихда биринчи марта чанғида СССР — Шимолий қутб — Канада трансарктика сафарида қатнашаётган сизларни самимий табриклайман.

Сизлар одамларга керакли яхши ғояни ўзларингизнинг дадил режангизга асос қилиб олгансиз.

Сизларнинг экспедициянгиз — юксак мардлик намунасидир. Бу экспедиция бизларнинг ва бошқа мамлакатларнинг кашшофлари Арктика қутб тадқиқотлари шонли йилномасини давом эттиради.

Сизларнинг сафарингиз, шубҳасиз, СССР билан Канада ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлашга, Арктикани ўзлаштиришдагина эмас, балки бошқа ишларда ҳам халқаро ҳамкорлик манфаатларига хизмат қилади.

Сизларга — сафар қатнашчиларига оқ йўл ва кўзланган мақсадга эришувингизни тилайман.

М. ГОРБАЧЕВ.

* * *

Совет — Канада трансарктика чанғи сафарининг қатнашчиларидан М. С. Горбачев номига телеграмма келди:

«Азиз Михаил Сергеевич! Совет Иттифоқи соҳилларидан Шимолий қутб орқали Канадага чанғида Совет — Канада сафари бошланди. Олдинда 1800 километр масофа — уч ойлик йўл турибди. Биз халқларга Шимолий қутб тинчлик қутби бўлиб қолиши мумкинлигини кўрсатмоқчимиз. Қутб орқали тарихда биринчи қўшма экспедиция СССР билан Канада ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришга, планетамизда тинчлик ишига хизмат қилишига ишонамиз».

ЛОЙИҲА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи СССРдаги кооперация тўғрисида ҚОНУНИ

Ушбу Қонун кооперация тўғрисидаги ленинча ғояларни СССРда социализм қурилишининг ҳозирги босқичига татбиқан ривожлантириш негизида СССР Конституциясига мувофиқ равишда кооперативлар фаолиятининг иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий шарт-шароитларини белгилаб беради.

Қонун кооперациянинг улкан потенциал имкониятларини, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришда унинг роли ортиб боришини очиб бериши, хўжалик ҳаётини демократиялаш жараёнини кучайтириши, колхоз ҳаракатига янги омил бахш этиши, аҳолининг кенг табақаларини кооперативларга жалб этиш учун шароит яратиши керак. Қонун халқ хўжалиги ва аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотлари ва халқ истеъмол молларига, ишлаб чиқариш-техника мақсадларидаги хилма-хил маҳсулотларга, ишлар ва хизматларга тобора ортиб борадиган эҳтиёжларини қондириш учун кооператив формаларидан ҳар томонлама фойдаланишга қаратилган. Қонун кооператив демократияни ривожлантиришнинг асосий принципларини белгилаб беради, давлат ва кооперация муносабатларини аниқлаб беради, кооперативлар хўжалик фаолиятининг шаклларини эркин танлаб олишни гарантиялайди, ташаббускорлик ҳамда ўзини-ўзи бошқариш учун кенг имкониятлар очади, ўз меҳнати натижалари учун кооператив аъзоларининг масъулиятини оширади.

Қонун гражданлар учун кооперативга **ихтиёрий** равишда кириш ва ундан чиқиш, кооперативнинг барча ишларини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини; коллектив хўжалик юритиш **мустақиллигини** ҳамда Устав вазифаларини бажариш юзасидан қарорлар қабул қилишда кооперативнинг мустақиллигини; меҳнат қилиш, меҳнати миқдори ва сифатига мувофиқ равишда шахсий даромад олиш, социал жиҳатдан таъминланиш ҳуқуқларида **социал адолат ва социал тенгликни** гарантиялайди.

СССРдаги кооперация тўғрисидаги Қонун социалистик экономика давлат ва колхоз-кооператив секторларининг тенг ҳуқуқли алоқаларига қаратилган бўлиб, СССРдаги сиёсий ва иқтисодий системаларни янада ривожлантиришга кўмаклашади.

I. Социалистик кооперация ва унинг мамлакат экономикасида тутган ўрни

1-м о д д а. **Социалистик ижтимоий муносабатлар системасида кооперация**

1. Социалистик кооперация ижтимоий фойдали фаолиятнинг муттасил ривожланиб борадиган илғор формасидир. У гражданларнинг ўз кучлари ва билимларини, истеъдодлари ва истаклари ҳамда ҳар бирининг қобилиятига мувофиқ унумли меҳнатга сарфлаш, меҳнатининг миқдори ва сифатига, кооператив фаолиятининг пировард натижаларига қўшган ҳиссасига қараб даромад олиш ҳамда унинг аъзолари эҳтиёжларини қондириш учун катта имкониятлар очиб беради.

2. СССРдаги сиёсий ва иқтисодий системалар шароитида, давлат (умумхалқ) мулки формаси етакчи роль ўйнаган пайтда кооператив ҳаракатини ҳамма жойда ривожлантириш социализмнинг имкониятлари ва афзалликларидан янада тўлароқ фойдаланишга, ижтимоий бойликни кўпайтиришга, бозорни юқори сифатли моллар ва хизматлар билан тўлдиришга, уларни арзонлаштириш ҳамда совет кишиларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга қаратилган.

3. Давлат жамиятни иқтисодий ва социал ривожлантириш, материал ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, демократиялаш жараёнини чуқурлаштириш учун кооперациянинг муҳим аҳамиятга эга эканлигига асосланиб, кооператив ҳаракатни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлайди, уни кенгайтиришга кўмаклашади, кооперативлар ва уларнинг аъзолари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини гарантиялайди.

4. Кооператив корхоналар (ташкилотлар) бундан буён улар «кооперативлар» деб аталади, давлат корхоналари (бирлашмалари) билан бир қаторда ягона халқ хўжалиги комплексининг асосий бўғини ҳисобланади. Кооперативларда меҳнат фахрли — нуфузли бўлиб, давлат томонидан ҳар томонлама рағбатлантирилади.

5. СССРдаги кооперация кооператив аъзоларига реал имкониятлар беради ҳамда уларни кооперативлар ўз ишлаб чиқариш планларини мустақил тузишлари ва амалга оширишлари, товарларни тақсимлаш ва сотиш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш ва фаолиятнинг бошқа турларини амалга ошириш асосида хўжалик юритиш самарадорлигини оширишга, шунингдек, коллектив социал турмуш шароитларини яхшилашдан моддий манфаатдор қилади.

Кооперативлар фаолияти, юксак меҳнат унумдорлиги ва ҳақ тўлаш системаси иқтисодий мусобақани ривожлантиришни, бозорда ҳам кооперативлар ўртасида, ҳам кооперативлар билан давлат корхоналари ва ташкилотлари ўртасида товарлар, ишлар ва хизматлар рақобатини кучайтириши, хўжалик юритиш самарадорлигини бутун чоралар билан оширишга кўмаклашиши лозим.

2-м о д д а. **Кооперация системаси, кооперативларнинг турлари**

1. Мамлакатда кооперация ҳаракатининг изчиллик билан ривожлантирилиши кооперацияни экономиканинг давлат сектори ва аҳолининг якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан узвий боғланган кенг тармоқли системасига айлантиради.

Кооперативлар қишлоқ жойларда (бу ерда колхозлар кооперативнинг асосий формасидир), саноатда, қурилишда, транспортда, савдо ва умумий овқатланишда, тўловли хизмат соҳаларида ҳамда ишлаб чиқаришнинг ва социал-маданий ҳаётнинг бошқа тармоқларида тузилиши ва иш олиб бориши мумкин.

Кооператив қонун билан тақиқлаб қўйилган фаолият турларидан ташқари ҳар қандай фаолият билан шуғулланишга ҳақлидир.

2. Социалистик кооперация системасида икки асосий турдаги кооперациялар: ишлаб чиқариш ва матлубот кооперациялари иш олиб боради.

Ишлаб чиқариш кооперативлари товарлар, маҳсулот ишлаб чиқаришни, ишларни амалга оширади, шунингдек, корхоналарга, ташкилотларга ва гражданларга пуллик хизмат кўрсатади.

Бундай кооперативлар қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва сотиш, ишлаб чиқариш-техника мақсадларига мўлжалланган буюмлар ишлаб чиқариш, халқ истеъмол моллари тайёрлаш, иккиламчи хом ашёни тўплаш ва қайта ишлаш, ер остидаги фойдали бойликларни қазиб чиқариш, техникани ремонт қилиш ва уни қаровдан ўтказиш, ишлаб чиқариш, йўл ва граждан уй-жой қурилиши, чакана савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш, маданий дам олишни, медицина ёрдамини ташкил этиш, ҳуқуқий, транспорт-экспедиция, илмий-тадқиқот, лойиҳа, конструкторлик, янгиликларни жорий этиш ва бошқа хизматларни бажариш учун тузилади ва иш олиб боради.

Бундай кооперативлар фаолияти улар аъзоларининг меҳнатдаги шахсий иштирокига асосланади.

Матлубот кооперативлари ўз аъзолари ва бошқа гражданларнинг савдо ва маиший хизматга бўлган эҳтиёжларини, шунингдек, кооператив аъзоларининг, уй-жойлар, чорбоғлар ва боғ участкалари, гаражлар ва автомобилларни қўйиш жойлари, социал-маданий ва бошқа хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиради. Матлубот кооперативлари юқорида айтилган вазифалар билан бир қаторда турли хил ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантиришлари, яъни аралаш турдаги кооперативлар бўлиши мумкин.

3-м о д д а. **Кооперациянинг асосий вазифалари.**

1. Халқ хўжалиги ва аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, халқ истеъмол молларига, ишлаб чиқаришга мўлжалланган маҳсулотларга, юксак истеъмол хусусиятларига эга бўлган ишлар ва хизматларга эҳтиёжларини қондириш, кооператив аъзоларининг меҳнат ва социал активлигини ривожлантириш, уларнинг моддий фаровонлигини, маданий савияси ва касб маҳоратини ошириш кооперация фаолиятининг асосини ташкил этади.

Бу вазифаларни бажариш учун кооперация системасида ишлаб чиқариш ривожлантирилади ва унинг самарадорлиги оширилади, бажарилаётган ишлар ва хизмат сифатининг яхшиланиши, меҳнат унумдорлигининг ўсиши таъминланади. Маҳаллий хом ашё хўжалик оборотига мумкин қадар кўпроқ киритилади, чиқитсиз технологиялар ва ресурсларни тежайдиган технологиялар ишлаб чиқилади ва жорий этилади.

2. Кооперация аҳолининг ижтимоий фойдали меҳнат билан таъминланишини оширади, қўшимча меҳнат ресурсларини товарлар ишлаб чиқаришга (ишларни, хизматни бажаришга) жалб этади, шунингдек, кооператив аъзолари бўлмаган гражданларнинг асосий ишдан бўш вақтларида шартнома асосида кооперативлар фаолиятида иштирок этишлари учун шароит яратади.

3. Кооперация ўзини-ўзи пул билан таъминлаш принциплари асосида иш олиб бориб, ўз даромадлари ҳисобидан кооператив аъзолари ҳамда уларнинг оилалари турмуш даражаси оширилишини таъминлайди, социал вазифаларни ҳал этади, юксак унумли меҳнат учун қулай шароитлар яратади. Ўз аъзоларининг мулкий манфаатлари ва социал ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини таъминлайди, давлат бюджетини шакллантиришда иштирок этади.

II. Кооператив—СССРдаги кооперация системасининг бошланғич бўғини

4-м о д д а. **Социалистик кооператив корхона (ташкилот)**

1. Кооператив СССР гражданларининг ташкилотнинг ўз мулки, ижарага олган ёки фойдаланиши учун бериб қўйилган мол-мулки, мустақиллик, ўзини-ўзи бошқариш ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш базасида, шунингдек кооператив аъзоларининг моддий манфаатдорлиги ҳамда уларнинг манфаатларини коллектив ва жамият манфаатлари билан тўлароқ қўшиб олиб бориш базасида хўжалик ва бошқа фаолиятни биргаликда юритиш учун аъзо бўлиш асосида ихтиёрий равишда бирлашган жамоат ташкилотидир.

2. Кооператив СССРдаги кооперация системасининг бошланғич бўғини сифатида мамлакатни иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантиришда ҳамда социализмда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг олий мақсадига — одамларнинг тобора ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини янада тўлароқ қондиришга эришишда фаол иштирок этиши лозим.

3. Кооператив ушбу қонунда белгилаб қўйилган вазифалари ва ваколатларини амалга ошириш манфаатларини кўзлаб амалдаги қонунга зид келмайдиган қарорлар қабул қилишда ҳақлидир. Кооператив юридик шахс ҳисобланади, ўз фаолияти билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлардан фойдаланади ва вазифаларини бажаради, мустақил балансга эга бўлади.

4. Кооператив таркибида структура бўлинмалари (шу жумладан территориал жиҳатдан ажралган бўлинмалар): бўлимлар, цехлар, фермалар, устахоналар, ателъелар, магазинлар ҳамда албатта коллектив, оила ва якка пудрат асосида, шу жумладан мол-мулкни ижарага олиб ишлайдиган бошқа бўлинмалар ташкил этилиши мумкин.

5-м о д д а. **Кооперативнинг меҳнат коллективи**

1. Кооперативнинг ўз меҳнати билан унинг фаолиятида иштирок этаётган аъзолари, шунингдек, меҳнат шартномаси асосида кооперативда ишлаётган шахслар кооперативнинг меҳнат коллективини ташкил этадилар. Меҳнат коллективи ўз фаолиятини меҳнат коллективлари ва корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришда уларнинг ролини юксалтириш тўғрисидаги СССР Қонунларига ҳамда кооператив Уставига мувофиқ равишда амалга оширади.

2. Кооператив тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи пул билан таъминлаш шароитида юксак пировард натижаларга эришишга лаёқатли меҳнат коллективини шакллантиради, кооператив аъзолари ҳамда унда ишлаётган бошқа кишиларнинг касб-маҳоратини ошириш тўғрисида ғамхўрлик қилади. Кооператив аъзолари ўртасида уларнинг малакасини ва кооперативларнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ишни тақсимлаб беради.

3. Кооператив партия ташкилоти коллективнинг сиёсий ўзаги ҳисобланади. СССР Конституцияси доирасида иш олиб боради, бутун коллективнинг, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг фаолиятини йўналтириб туради ҳамда кооператив правлениеси (раиси) фаолиятини контрол қилади.

4. Кооперативнинг жамоат ташкилотлари меҳнат коллективи ишлаб чиқариш ташаббускорлиги ва социал активлигини, уларнинг сиёсий онгини оширишга, соҳиблик туйғусини ва хўжалик юритиш натижалари учун жавобгарлигини кучайтиришга кўмаклашадилар.

5. Кооператив фаолиятига тааллуқли социал-иқтисодий қарорлар унинг бошқарув органлари томонидан меҳнат коллективи, шу коллективда иш олиб бораётган партия ташкилоти, шунингдек касаба союз, комсомол ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотлари иштирокида уларнинг уставлари ва қонунларига мувофиқ равишда ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

6-м о д д а. **Кооператив мулки**

1. Ишлаб чиқариш воситалари ва Устав вазифаларини амалга ошириш учун унга зарур бўлган бошқа молмулк кооператив мулки ҳисобланади. Бинолар, иншоотлар, машиналар, ускуналар, транспорт воситалари, маҳсулот берадиган моллар ва иш ҳайвонлари, ишлаб чиқариш маҳсулотлари, товарлар, пул маблағлари ҳамда унинг фаолияти мақсадларига мувофиқ келадиган бошқа мол-мулк кооператив мулки бўлиши мумкин.

2. Кооперативнинг молмулки унинг аъзолари пул ва моддий взнослари, улар ишлаб чиқарган маҳсулот, бу маҳсулотларни сотиш ва бошқа фаолиятдан олинган даромадлар, акциялар. кооперативнинг бошқа қиймматбаҳо қоғозларини сотишдан тушган маблағ ва банк кредитларидан ташкил топади. Кооператив мол-мулкини ташкил этишда пул ва моддий взнос тўлаш йўли билан кооператив ва давлат корхоналари (ташкилотлари), шунингдек, мазкур кооператив аъзоси бўлмаган, лекин меҳнат шартномаси асосида унда ишлаётган гражданлар ҳам иштирок эта оладилар.

3. Кооператив тузадиган корхоналар ва ташкилотлар мулки, шунингдек, хўжаликлараро корхоналар ва ташкилотларнинг улар улушбай иштирокига мувофиқ келадиган мулки ҳам кооператив мулки ҳисобланади. Составида кооперативлари ва давлат корхоналари ҳамда ташкилотлари бўлган бирлашмаларнинг мулки давлат ва кооперативларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади.

Состави фақат кооперативлардан иборат бўлган бирлашмаларнинг мулки умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқи асосида ана шу кооперативлар мулки ҳисобланади.

4. Кооператив ўзига қарашли мол-мулкнинг, шунингдек ўзи ишлатаётган мол-мулкнинг тўла ҳуқуқли хўжайини сифатида уни кўпайтириб олишга, самарали фойдаланиш ва сақлашга мажбурдир. Шахсий бойлик орттириш ва бошқа ғаразли мақсадларда кооператив мулкидан фойдаланишга ҳеч ким ҳақли эмас.

7-м о д д а. **Кооперативнинг ўз мулки бўлмаган табиат ресурсларидан ва мол-мулкдан фойдаланиши**

1. Кооператив СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар қонунлари белгилаб қўядиган тартибда ердан ва бошқа табиат ресурсларидан фойдаланади. Кооператив ўзи фойдаланиши учун бериб қўйилган ер, сув, ер ости, ўрмон ва бошқа табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш талабларига риоя этишга ва бу хусусдаги тадбирларни бажаришга мажбурдир.

2. Кооператив ердан самарали фойдаланишни таъминлашга, унинг унумдорлигини ошириш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилишга, ер қандай мақсад учун ажратиб берилган бўлса, шунга мувофиқ ундан авайлаб фойдаланишга, атроф-муҳитни ифлосланишдан ва бошқа зарарли таъсирлардан муҳофаза қилишга, чиқитсиз технология базасида ишлаб чиқаришни ташкил этишга мажбурдир.

Кооператив ўз маблағлари ва кредитлар ҳисобидан ишлаб чиқаришнинг табиий муҳитга салбий таъсири ўрнини тўлдирадиган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширади. Айрим ҳолларда бундай тадбирларни марказлаштирилган манбалар ҳисобидан пул билан таъминлашга йўл қўйилади.

Табиатдан фойдаланиш юзасидан белгилаб қўйилган режимни қўпол равишда бузган кооперативнинг фаолияти йўл қўйилган хатоларни тўғрилаш учун ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар қонунларида кўзда тутилган тартибда тўхтатиб қўйилиши мумкин.

3. Кооператив ўз устав вазифаларини амалга ошириш учун давлат, кооператив ва бошқа жамоат корхоналари, ташкилотлар ва гражданлар тақдим этадиган мол-мулкдан шартнома асосида фойдаланишга ҳақлидир.

Фойдаланиш учун кооперативга мол-мулкни тақдим этган корхоналар, ташкилотлар, шунингдек гражданлар розилиги билан кооператив ўзига берилган биноларни, иморатларни, ускуналарни ҳамда асосий фондларга тааллуқли бошқа мол-мулкларни сотиб олиши мумкин.

8-м о д д а. **Кооператив мулкини ҳуқуқий муҳофаза қилиш**

1. Кооператив мулки социалистик мулкнинг шакли сифатида дахлсиздир ва давлат томонидан муҳофаза қилинади. Қонун уни давлат мулки билан баравар муҳофаза қилади. Кооператив мулки фақат унинг аъзолари умумий йиғилиши розилиги билан суд ёки арбитраж қарорига мувофиқ тортиб олиниши, шунингдек давлат кооператив ва бошқа корхоналари, ташкилотларга ва гражданларга берилиши мумкин.

2. Мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи фақат кооперативнинг ўзига берилади. Кооператив мулкининг унинг Устав фаолияти билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ишлатилишига йўл қўйилмайди.

3. Кооператив:

бинолар, иншоотлар, ускуналар, транспорт воситалари, буюмлар, хом ашё ва ўзга моддий бойликларни бошқа корхоналарга, ташкилотлар ҳамда гражданларга сотиш, алмаштириш, ижарага бериш, қарзга бериб туриш ва вақтинча фойдаланиш учун текинга бериб қўйиш, шунингдек, агар асосий фондлар едирилиб кетган ёки маънавий эскириб қолган бўлса, уларни балансдан чиқариб ташлаш;

материал ва пул ресурсларини кооператив учун маҳсулот ишлаб чиқараётган ва хизматни бажараётган бошқа корхоналарга, ташкилотларга ва гражданларга шартнома асосида топшириш ҳуқуқига эгадир.

4. Кооператив ўзига қарашли барча мол-мулк, шу жумладан асосий воситаларга доир мажбуриятлари юзасидан мустақил равишда жавобгар ҳисобланади. Кооператив мажбуриятлари учун давлат жавобгар бўлмайди. Давлат ва ўз аъзоларининг мажбуриятлари учун кооператив жавобгар бўлмайди. Кооператив аъзолари амалдаги қонунлар ёки кооператив Уставида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари кооператив қарзлари учун жавобгар бўлмайдилар

9-м о д д а. **Кооператив фаолиятининг принциплари**

1. Кооператив фаолияти кооперативга кириш ихтиёрийлиги ва ундан ҳеч тўсқинликсиз чиқиш, шахсий, коллектив ва давлат манфаатларини қўшиб олиб бориш, хўжалик жиҳатидан мустақиллик, моддий манфаатдорлик ва социал адолат, кооператив ишларини бошқаришда демократияси ва социалистик қонунчилик негизида бошқаришда унинг аъзоларининг бевосита иштироки принципларига асосланади.

2. Давлат органлари ва юқори кооператив органларининг ушбу қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари кооперативнинг хўжалик фаолиятига ва бошқа фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Кооператив ҳуқуқларини бузган давлат органлари ва юқори кооператив органлари кўрсатмаларни бажариш натижасида, шунингдек юқори кооператив органлари кооперативга нисбатан ўз мажбуриятларини тегишлича бажармаганликлари оқибатида кооперативга етказилган зарарлар ана шу органлар томонидан тўланиши керак. Етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги баҳслар суд ёки арбитраж томонидан ҳал қилинади.

3. Кооперативлар ишлаб чиқариш потенциалидан янада самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни, товарлар ва хизматни реализация қилишни кенгайтириш мақсадида ўз ташаббуслари билан, ёки халқ депутатлари маҳаллий Советларининг, бошқа ташкилотларнинг таклифи билан ўз маблағларининг бир қисмини давлат, кооператив ёки бошқа жамоат корхоналари ва ташкилотлари маблағлари билан бирлаштиришлари мумкин.

Кооперативлар:

корхоналарни ва цехларни реконструкциялаш ҳамда техника билан қайта жиҳозлаш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва аҳолига хизмат кўрсатишни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган ишларни биргаликда бажаришда;

тармоқлараро ишлаб чиқаришни, ремонт-қурилиш, савдо корхоналари ва бошқа корхоналар ҳамда бирлашмалар тузишда:

қишлоқ хўжалик объектлари, уй-жойлар ва бошқа ишлаб чиқариш, социал ва маданий-маиший объектлар қурилишида ва улардан фойдаланишда;

мутахассислар тайёрлаш ва ўқув-ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этишда қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Мазкур фаолиятни ва биргаликдаги бошқа фаолиятни амалга ошириш учун кооперативлар шартнома тузадилар, шартномада қўшма корхоналар ва ташкилотлар ташкил этиш ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлган масалаларнинг ҳал этилиши кўзда тутилади.

Халқ депутатлари Советлари ва бошқа давлат органлари қўшма корхоналар ва ташкилотларни ривожлантиришда кооперативларга ёрдам берадилар. Бу соҳада уларга берилган ҳуқуқлар амалга оширилишига кўмаклашадилар.

10-м о д д а. **Кооперативни тузиш ва унинг устави**

1. Кооперативлар гражданларнинг истаги билан фақат ихтиёрийлик асосида ташкил этилади. Кооператив тузиш совет, хўжалик органлари ва бошқа органларнинг қандайдир махсус руҳсатномасига боғлиқ бўлмайди. Устав рўйхатдан ўтказилган пайтдан бошлаб кооператив тузилган ҳисобланади. Устав унинг фаолиятини тартибга солиб турувчи асосий ҳужжатдир. Устав кооператив тузиш истагини билдирган гражданларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади. Кооператив аъзоларининг сони уч кишидан кам бўлмаслиги керак.

2. Кооператив Устави шу қооперативнинг доимий органи жойлашган халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советларининг ижроия комитетида рўйхатга олинади.

Агар кооператив давлат корхонаси ёки кооператив корхонаси, ташкилоти ҳузурида тузилаётган бўлса, унинг Уставини рўйхатга олиш учун мазкур корхона ёки ташкилотнинг розилиги талаб қилинади.

3. Кооператив фаолияти учун ер участкаси ёки бошқа табиат ресурслари зарур бўлган ҳолларда унинг уставини рўйхатга олиш учун тегишли давлат органи ёки шу ердан дастлаб фойдаланиб келган корхона ёки ташкилотнинг розилиги бўлиши зарур.

4. Кооператив Уставини тегишли халқ депутатлари Совети ижроия комитети уни рўйхатга олиш учун тақдим этилган кундан бошлаб бир ой муддат ичида кўриб чиқади.

Халқ депутатлари район, шаҳар, шаҳардаги район Советининг ижроия комитети кооператив Устави амалдаги қонунларга зид бўлган тақдирдагина уни рўйхатга олмаслиққа ҳақлидир.

Кооператив Уставини рўйхатга олиш рад этилганлиги ҳақида юқорироқ халқ депутатлари Совети ижроия комитетига, автоном республика Министрлар Советига, областларга бўлинмаган иттифоқдош республика Министрлар Советига ёки судга шикоят қилиш мумкин.

5. Кооператив Уставида: кооперативнинг номи, унинг қаерда жойлашганлиги, фаолиятининг соҳаси ва мақсади, кооператив аъзоларининг ҳуқуқлари ва бурчлари, унинг бошқариш ва контрол органлари, унинг ихтиёридаги ишлар, кооператив мулкини ташкил этиш ва даромадларни (фойдани) тақсимлаш тартиби, кооперативдан чиқариб юборишга нисбатан асос бўлиши ва тартиби, кооператив фаолиятини қайта ташкил этиш ва тўхтатиш шартлари белгилаб қўйилади. Уставга кооператив фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлган қонунга зид келмайдиган бошқа қоидалар ҳам киритилиши мумкин.

6. Кооператив аъзолари умумий йиғилишининг қарори билан унинг Уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ушбу моддада кўзда тутилган тартиб ва муддатда рўйхатга олиниши шарт.

11-м о д д а. **Кооперативга аъзо бўлиш**

1. ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар қонунларида бошқача бўлиши кўзда тутилмаган бўлса, 16 ёшга етган, кооперативнинг мақсадлари ва вазифаларини амалга оширишда иштирок этиш истагини билдирган ва бунга қодир бўлган ҳар бир граждан кооператив аъзоси бўлиши мумкин.

Ушбу қонун ва кооператив Уставида кўзда тутилган ҳолларда бошқа кооперативлар, давлат ва жамоат корхоналари ҳамда ташкилотлари кооперативнинг коллектив аъзолари бўлиши мумкин.

2. Граждан бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқариш кооперативи ва матлубот кооперативи аъзоси бўлиши мумкин. Ишлаб чиқариш кооперативининг шу кооператив асосий иш жойи ҳисобланган аъзоси бўш вақтида аъзолик ҳуқуқи билан бошқа ишлаб чиқариш кооперативида қатнашиши мумкин. Давлат корхонаси ёки ташкилотида ишлаётган кишилар ўзларининг асосий ишларидан бўш вақтларида фақат битта ишлаб чиқариш кооперативи аъзоси бўлишлари ва унинг фаолиятида иштирок этишлари мумкин.

Граждан турлича кўринишдаги бир қанча матлубот кооперативига аъзо бўлишга ҳақлидир, аммо бир вақтнинг ўзида, агар қонунда бошқача бўлиши кўзда тутилмаган бўлса, бир турдаги иккита ёки ундан кўпроқ матлубот кооперациясига аъзо бўла олмайди.

3. Аъзолик муносабатларидан келиб чиқадиган ишларга оид баҳслар кооператив органлари томонидан унинг Уставида кўзда тутилган тартибда ҳал этилади, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар қонунларида кўзда тутилган ҳоллларда эса суд томонидан ҳал қилинади.

Кооператив аъзоси Уставда кўзда тутилган ҳолларда умумий йиғилиш қарори билан кооперативдан чиқарилиши мумкин.

Кооператив аъзолигидан чиқарилиш ҳақида судга шикоят қилиш мумкин.

5. Суд маълум фаолият билан шуғулланиш ёки маълум лавозимни эгаллаб туришни тақиқлаб қўйган кишилар тегишли фаолият тури бўйича кооперативга аъзо бўла олмайдилар, меҳнат шартномаси билан ишга жалб қилинмайдилар ёки кооперативда тегишли лавозимларни эгаллай олмайдилар.

Ўғрилик, порахўрлик ва бошқа жиноятлари учун судланган кишилар кооперативда раҳбарлик лавозимларини, шунингдек моддий жавобгарлик билан боғлиқ бўлган лавозимларни эгаллай олмайдилар.

12-м о д д а. **Кооператив аъзоларининг ҳуқуқлари ва бурчлари**

1. Ҳамма турдаги кооперативларнинг аъзолари:

кооператив фаолиятида ва унинг ишларини бошқаришда қатнашиш, кооперативни бошқариш ва контрол қилиш органларига сайлаш ва сайланиш, кооператив фаолиятини яхшилаш, унинг органлари ва мансабдор шахслар ишидаги камчиликларни бартараф этиш тўғрисида таклиф киритиш;

кооператив аъзолари ўртасида уларнинг меҳнат ҳиссасига мувофиқ, Уставда кўзда тутилган ҳолларда эса кооперативга қўшган мулки ҳиссасига мувофиқ тақсимланадиган даромад (фойда)дан ўз улушини олиш;

кооператив мол-мулкдан, кооператив аъзолари учун кўзда тутилган имтиёзлар ва афзалликлардан фойдаланиш;

кооперативдаги мансабдор шахслардан унинг фаолиятига тааллуқли ҳар қандай масала юзасидан ахборот олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ишлаб чиқариш кооперативларининг аъзолари бундан ташқари:

кооперативда ўзи учун иш олиш, жумладан ўз истеъдоди, қобилияти, профессионал тайёргарлиги, маълумотига мувофиқ равишда ва кооператив эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда касб ва машғулот турини танлаб олиш ҳуқуқига;

дам олиш кунлари бериш билан таъминланадиган дам олиш, ишчи ва хизматчиларнинг тегишли категориялари учун белгилаб қўйилганидан кам бўлмаган йиллик ҳақ тўланадиган отпуска олиш ҳуқуқига;

социал таъминот ҳуқуқига;

маданий-маиший хизматдан фойдаланиш, кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши белгилаб қўйган тартибда бошқа эҳтиёжларини қондириш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Барча турдаги кооперативларнинг аъзолари:

кооператив Уставига риоя қилишга ва умумий йиғилишнинг, кооперативни бошқариш ва контрол қилиш юзасидан сайлаб қўйиладиган органларнинг қарорларини бажаришга;

кооператив олдидаги унинг фаолиятида меҳнати ёки мулки билан иштирок этиш билан боғлиқ бўлган ўз мажбуриятларини бажаришга;

ишларни бошқаришда фаол қатнашишга, кооператив ишидаги нуқсонларни очиб ташлаш ва уларни бартараф қилишга эришишга;

давлат ва кооператив мулкини авайлаб асраш ва мустаҳкамлашга, ижтимоий мулкка хўжасизларча ва ўзбошимчалик билан муносабатда бўлишга йўл қўймасликка мажбурдирлар.

Ишлаб чиқариш кооперативларининг аъзолари бундан ташқари:

кооперативда меҳнатнинг илғор формалари ва методларидан фойдаланишга, ўз ишларининг натижаси учун жавоб беришга, ишлаб чиқариш ва меҳнат интизомига, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этишга, ўз малакаларини ошириб боришга;

кооперативга бериб қўйилган табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва асрашга мажбурдирлар.

3. Кооператив аъзолари кооператив Уставида кўзда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар ва бурчларини бажарадилар.

13-м о д д а. **Кооперативни бошқариш**

1. Кооперативни бошқариш социалистик ўз-ўзини бошқариш, кенг демократия, ошкоралик, кооператив фаолиятга доир барча масалаларни ҳал қилишда унинг аъзоларининг фаол иштироки асосида амалга оширилади.

2. Кооперативни бошқаришнинг олий органи — умумий йиғилиш бўлиб, у кундалик ишларга раҳбарлик қилиш учун раисни, катта кооперативларда эса правление ҳам сайлайди. Меҳнат шартномаси асосида кооперативда ишловчи гражданлар умумий йиғилишда маслаҳат овози ҳуқуқи билан иштирок этадилар.

3. Умумий йиғилиш:

кооператив Уставини қабул қилади, унга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритади;

кооператив раисини ва кооператив правлениеси ҳамда ревизия комиссиясини сайлайди, уларнинг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тинглайди;

кооператив аъзолигига қабул қилиш, ундан чиқиш ва кооперативдан чиқариб юбориш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади. Кооперативнинг ички тартиби қоидаларини, меҳнатга ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомни ҳамда кооперативнинг бошқа ички актларини қабул қилади ва ўзгартиради;

кооператив Уставида кўзда тутилган кириш взнослари ва пай взнослари миқдорини белгилайди;

кооператив фаолияти планларини ва уларнинг ижроси ҳақидаги ҳисоботларни тасдиқлайди;

даромад (фойда)нинг тақсимлаш тартибини, кооператив фондлари ва резервларидан фойдаланиш турлари, миқдори ва йўналишларини белгилаб беради, нарх белгилаш масалаларини кўриб чиқади;

кооперативни қайта ташкил этиш ва унинг фаолиятини тўхтатиш, унинг иттифоқ (бирлашма)га кириши ва улардан чиқиши масалаларини ҳал этади. Мазкур масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш фақат кооператив умумий йиғилишининг вазифасига киради. Кооператив Устави ёки умумий йиғилишнинг қарорига мувофиқ кооператив ташкилий, хўжалик ва ижтимоий фаолиятининг бошқа масалалари ҳам фақат умумий йиғилиш вазифасига киритилиши мумкин.

Катта кооперативларда умумий йиғилиш ҳал этадиган масалаларни кўриб чиқиш учун вакиллар йиғилиши чақирилиши мумкин.

14-м о д д а. **Кооперативларнинг иттифоқлари (бирлашмалари)**

1. Кооперативлар қатъий ихтиёрийлик асосида фаолият турлари бўйича иттифоқларга (бирлашмаларга) ва территориал иттифоқларга (бирлашмаларга) уюшишлари мумкин.

2. Кооператив иттифоқлари (бирлашмалари)нинг асосий вазифалари:

кооператив демократиясини ривожлантириш, кооперативлар фаолиятининг энг муҳим масалаларини муҳокама қилиш, тажрибани

(Давоми 3-бетда).

ЛОЙИҲА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи

КОНУНИ

СССРдаги кооперация тўғрисида

(Давоми. Боши 2-бетда).

умумлаштириш ҳамда мавжуд резервлар ва имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланиш учун тавсияномалар ишлаб чиқиш, кооператив ҳаракатини пропаганда қилиш;

ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш, кооперативлар фаолиятини мувофиқлаштиришни яхшилашга, кооператив алоқаларини ва моддий-техника таъминотини, маҳсулотни қайта ишлаш, сақлаш ва сотишни ташкил этишга кўмаклашиш;

кооперативлар ишлаб чиқариш ва сотиш юзасидан ихтисослашаётган товарлар (ишлар, хизматлар) бозорининг аҳволи ва ривожланиш истиқболларини ўрганиш;

кооперативларнинг ҳуқуқлари муҳофаза қилинишини ва уларга юридик ёрдам берилишини таъминлаш, тегишли давлат органлари ва бошқа органларда, шунингдек халқаро ташкилотларда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи вакил бўлиш;

ишлаб чиқаришни такомиллаштиришда, фан-техника ютуқлари тараққиётини жорий этишда кооперативларга зарур кўмак бериш, уларнинг маҳсулотларини (ишларини, хизматларини) реклама қилиш, кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишдан иборат.

3. Кооперативларнинг иттифоқлари (бирлашмалари) кооперативлар делегатлари (вакиллари)нинг съездларида, йиғилишларида тузилади, уларни қачон ўтказишни ана шу съездлар ва йиғилишлар белгилайди.

Кооперативларнинг иттифоқлари (бирлашмалари) кооперативлар делегатлари (вакиллари) съездларда, йиғилишларда қабул қилган ўз Уставлари асосида иш олиб борадилар.

Иттифоқлар (бирлашмалар) Устави давлат органларида рўйхатга олинмайди.

Иттифоқлар (бирлашмалар) ўз Устав вазифаларини бажаришлари ва фаолиятининг бошқа турларини амалга оширишлари учун зарур бўлган мол-мулкка эга бўлишлари мумкин.

Иттифоқлар (бирлашмалар) ва уларнинг бошқарув аппаратларини сақлаб туриш учун харажатлар тегишли кооперативлар даромадларидан ажратмалар ҳисобига, шунингдек ана шу иттифоқлар (бирлашмалар) хўжалик фаолияти даромадлари ҳисобига амалга оширилади.

III. Кооперация системасидаги хўжалик механизмининг иқтисодий асослари

15-м о д д а. **Кооператив хўжалик фаолиятининг асослари**

1. СССРдаги кооперация фаолияти социалистик хўжалик юритиш ва ўзининўзи маблағ билан таъминлаш, товар-пул муносабатларидан кенг кўламда фойдаланиш принциплари асосига қурилади. Бунда ишлаб чиқаришнинг кооператив формаси ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг, шунингдек даромадларнинг тақсимланиши кооперациядаги хўжалик механизми хусусиятларини: планлаштириш, нарх белгилаш, меҳнатга ҳақ тўлаш, давлат бюджети, банклар билан ўзаро муносабатлар, моддий-техника таъминотини тақозо этади.

2. Ишлаб чиқариш кооперативи иқтисодий жиҳатдан мустақил социалистик товар ишлаб чиқарувчи коллективдир. У тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш принциплари асосида ишлаб, ўз фаолиятининг йўналишларини, ишлаб чиқаришнинг ҳажми ва структурасини белгилайди, ишлаб чиқаришни планлаштириш ва ташкил этишни амалга оширади, маҳсулотни (иш, хизматлар) сотади.

Матлубот кооперативи ўз фаолиятини амалга оширишда тўла хўжалик мустақиллигига эга бўлиб, ўз харажатларини кооператив аъзоларининг взнослари ҳамда ўз хўжалик фаолиятининг даромадлари эвазига қоплайди.

3. Кооперативнинг мазкур кооператив (иши, хизматлари) истеъмолчилари — давлат, кооператив ва бошқа жамоат корхоналари, ташкилотлари ва гражданлар, моддий-техника ресурсларини етказиб берувчилар билан ўзаро хўжалик ишлаб чиқариш муносабатлари, унинг барча хўжалик операциялари фақат шартнома асосларидагина амалга оширилади. Шартнома — кооперативнинг юқорида қайд этилган барча ўзаро хўжалик-ишлаб чиқариш муносабатларини тартибга солиб турадигаи ягона ҳуқуқий ва иқтисодий ҳужжатдир.

Шартномавий мажбуриятларга риоя этиш, истеъмолчиларнинг манфаатларини тўла ҳисобга олиш кооператив фаолиятига қўйиладиган энг муҳим талаб, кооператив иши сифати ва самарадорлигига баҳо беришнинг асосий мезонидир. Кооператив шартномавий мажбуриятларга риоя этилмаган тақдирда белгиланган тартибда мулкий жавобгар бўлади, истеъмолчига етказилган зарарнинг ўрнини қоплайди.

Шартномалар тузиш кооператив ва тегишли корхоналарнинг, ташкилотлар ва гражданларнинг ўзигагина тааллуқли ишдир. Бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг кооперативлар билан бошқа корхоналар, ташкилотлар ва гражданлар ўртасида шартномавий муносабатларни ўрнатиш ва амалга оширишга аралашувига йўл қўйилмайди.

4. Кооперативни қайта тузиш (қўшиш, бирлаштириш, ажратиш, бўлиш, ўзгартириш) ва кооператив фаолиятни тўхтатиш кооператив умумий мажлиси қарори билан амалга оширилади.

Кооператив фаолияти қонунга, Уставга зид бўлса ёки кооператив зарар кўраётган бўлса ва тўловга қурби етмай қолса, мазкур фаолият халқ депутатлари Советлари ижроия комитетларининг қарори билан ҳам тўхтатилиши мумкин. Кооператив фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарор устидан юқори халқ депутатлари Совети ижроия комитетига, автоном республика Министрлар Советига, областларга бўлинмаган иттифоқдош республика Министрлар Советига ёки судга шикоят қилиш мумкин.

16-м о д д а. **Планлаштириш**

1. Кооператив ўз ишлаб чиқариш-молия фаолиятини ва коллективнинг социал тараққиётини мустақил планлаштиради. Планлар (ёки даромадлар ва харажатлар сметалари)ни кооператив аъзоларининг умумий йиғилиши тасдиқлайди.

Кооператив планлар (ёки даромадлар ва харажатлар сметалари)ни ишлаб чиқишда ўз маҳсулоти, товари, иш ва хизматларига эҳтиёжнинг тўловга қодирлигига, ишлаб чиқариш ва социал тараққиёт учун ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш учун зарур даромад олиш имкониятларига асосланади. Бунда ер ва бошқа табиат ресурсларидан, мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш, прогрессив технологияларни қўлланиш, хом ашё ва материаллар, энергия ва ёнилғидан тежаб-тергаб фойдаланиш, маҳаллий ва иккиламчи ресурсларни қидириб топиш ва хўжалик оборотига жалб этиш, ишлаб чиқариш ва муомала харажатларини камайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш назарда тутилади.

Маҳсулот (иш, хизматлар) истеъмолчилари ва моддий-техника ресурсларини етказиб берувчилар билан тузилган шартномалар планларнинг асосини ташкил этади.

2. Кооператив ўз ихтиёри билан давлат буюртмаларини бажариш, шу жумладан, давлат корхоналари ҳамда бошқа корхоналар ва ташкилотлар билан конкурс шартларига кўра давлат буюртмаларини бажариш ҳуқуқига эгадир. Давлат буюртмасини бажариш учун маҳсулотнинг (иш ва хизматларнинг) тегишли истеъмолчилари билан ва моддий-техника ресурсларини етказиб берувчилар билан хўжалик шартномалари тузилади.

Кооперативлар маҳсулот (иш, хизматлар) сифатини ошириш, унинг таннархини, баҳо (тарифларини) арзонлаштиришга эриша бориб, давлат буюртмаларини олиш учун давлат корхоналари ва ташкилотлари ҳамда бошқа корхоналар ва ташкилотлар билан иқтисодий мусобақада иштирок этади.

Кооперативлар ва уларнинг иттифоқлари (бирлашмалари) улгуржи ярмаркаларда иштирок этишлари ва истеъмолчилар билан маҳсулот етказиб бериш юзасидан ҳамда материаллар етказиб берувчилар билан моддий-техника ресурслари сотиб олиш юзасидан шартномалар тузишлари мумкин.

3. Кооператив ўз планларини ишлаб чиқишда давлат буюртмасини бажариш учун шартномаларга кўра, ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган маҳсулот нархининг, солиқ тўловлари ставкаларининг даражаларини, банк ссудалари юзасидан процентларни, табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўлов нормативларини, атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддаларнинг чиқиб кетганлиги учун тўловларнинг давлат социал страхованиеси фондига ажратмалар нархлари сингари давлат томонидан белгилаб қўйилган узоқ муддатли иқтисодий нормативларидан фойдаланадилар. Кооперативларга планлаштириш учун қандайдир бошқа иқтисодий нормативлар ёки бўлак бошланғич маълумотлар белгиланмайди.

Кооперативлар табиатдан фойдаланиш масалалари юзасидан ўз планларини халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари билан келишиб оладилар.

4. Кооператив маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқариш планларини ишлаб чиқишда, территория ёки тармоқдаги бошқа корхоналар ва ташкилотлар иши билан кооперативлар фаолиятини мувофиқлаштириб туришда комплекслиликни таъминлаш мақсадларида қайси бошқарма ёки корхона (ташкилот) ҳузурида тузилган бўлса, худди ўша органга ишлаб чиқаришнинг мўлжалланаётган ҳажмлари ва маҳсулот (иш, хизматлар) сотиш, даромадлар ёки бошқаларни маълум қилади.

Бунда кооператив бошқарувнинг тегишли давлат ва кооператив органлари, корхоналар ва ташкилотлар билан маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқаришни моддий-техника ресурслари ва пудрат қурилиш-монтаж ишлари билан таъминлаш масалаларини ҳал этиши мумкин. Бошқарув органи мазкур территория (тармоқ)да иш юритаётган кооперативлар билан биргаликда кооперативлар таклифларининг комплекс тарзда узвий боғланиб кетишини таъминлайди ва тегишли регион (тармоқ) иқтисодий ва социал тараққиёти планларида бу таклифларни ҳисобга олади.

5. Планларнинг иқтисодий жиҳатдан асосланганлигини ва мувофиқлаштирилганлигини ошириш учун кооперативнинг сўровларига кўра марказий иқтисодий органлар ва уларнинг республикалардаги органлари, министрликлар ва идоралар, иттифоқдош ва автоном республикалар Министрлар Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари кооперативга ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, капитал қурилиш, моддий ва молиявий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш юзасидан тузилган тадбирларни амалга ошириш ва кооперативлар фаолиятининг бошқа йўналишлари бўйича ҳар томонлама ёрдам берадилар.

17-м о д д а. **Нарх ва нарх белгилаш**

1. Кооператив маҳсулоти ва хизматларига нарх ва тарифлар маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун ижтимоий зарур харажатларни акс эттириши, товарлар, иш ва хизматларнинг истеъмол хусусиятлари ва сифатини, истеъмолчилар талабини назарда тутиши керак. Улар ҳам кооперативларнинг, ҳам истеъмолчиларнинг ва умуман бутун халқ хўжалигининг ўзаро манфаатларини ҳисобга олиб белгиланиши, хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъмнлашнинг ривожланишига ёрдам бериши зарур. Кооператив иқтисодий жиҳатдан асосланмаган тарзда нархларнинг оширилишига йўл қўймаслиги лозим.

2. Кооператив ўзи ишлаб чиқарган маҳсулот ва товарларни сотади, истеъмолчилар билан келишиб олиб ёки ўзи мустақил белгилаб олган нархлар ва тарифлар бўйича иш бажаради ва хизмат кўрсатади. Кооперативлар ва харидорлар ўртасида ўзаро савдо муносабатларида уларнинг товарлари (иш, хизматлари) учун тарқиб топадиган нархлар (тарифлар) кооперативларнинг иқтисодий манфаатларига таъсир ўтказиши, маҳсулот сифатининг ортишига, ишлаб чиқариш технологияси ва уни ташкил этишнинг такомиллашувига, ишлаб чиқариш чиқимларининг камайишига ёрдам бериши керак. Товарлар (иш, хизматлар)га бозорда пайдо бўладиган рақобат маҳсулотнинг арзонлашувига, маҳсулот нархининг пасайишига ёрдам бериши керак.

3. Давлат буюртмасини бажариш юзасидан тузилган шартномаларга мувофиқ ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизматлар), шунингдек, кооперативга давлат ресурсларидан етказиб берилган хом ашёдан тайёрланган маҳсулот (иш, хизматлар) тайёрлов, бошқа корхоналар (ташкилотлар) ва гражданларга марказлаштирилган тартибда белгилаб қўйилган нархлар (тарифлар) билан сотилади. Давлатнинг бозор фондларида аҳолига сотиш учун кооперативларга ажратиб бериладиган товарларга ҳам чакана нархлар худди шу тартибда белгиланади.

Кооператив марказлашган тартибда белгиланган улгуржи нархларни қўлланаётганида маҳсулотнинг истеъмол хусусиятларини ошириш ва уни комплектлаш юзасидан, маҳсулот етказиб бериш муддатлари ва бошқа шартлар юзасидан қўшимча талабларнинг бажарилганлиги учун маҳсулотга қўшимча ҳақ (скидкалар) белгиланишини истеъмолчи (харидор) билан келишиб олади.

4. Кооператив маҳсулоти (иш, хизматлар) шартномаларга кўра, давлат буюртмасини бажариш юзасидан сотилаётганида ёки давлат ресурсларидан кооперативга етказиб берилган хом ашёдан маҳсулот (иш, хизматлар) тайёрланаётганида шунингдек, кооператив давлат бозор фондларидан ажратилган товарларни сотаётган тақдирда нархлар (тарифлар) устидан давлат назорати ўрнатилади. Кооператив маҳсулот (иш, хизматлар)га нархларни оширганлиги оқибатида асоссиз олган даромад белгиланган тартибда бюджетга ўтказилади, истеъмолчи эса маҳсулот етказиб бериш юзасидан тузилган шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

18-м о д д а. **Даромадлар ва уларни тақсимлаш**

1. Кооператив ўзининг социал-иқтисодий табиатига кўра ўз харажатларини ўзи қоплайдиган корхона (ташкилот)дир. Унинг зарар кўриб ишлаши кооператив моҳиятига зиддир.

Кооператив даромадлари маҳсулот (иш, хизматлар)ни сотишдан келадиган пул маблағларидан тарқиб топади. Маҳсулот (иш, хизматлар)ни сотишдан келган пул маблағларидан кооперативнинг моддий харажатлари қопланади. Кооператив ялпи даромаддан бюджет ва банклар олдидаги ўз мажбуриятлари юзасидан ҳисоб-китоб қилишда фойдаланади, мазкур ялпи даромаддан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, социал тадбирларни амалга ошириш ва меҳнатга ҳақ тўлашда фойдаланилади.

Ялпи даромадни ишлаб чиқариш-социал тараққиёт учун, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш учун тақсимлаш кооператив аъзолари умумий йиғилишининг фақат ўзига хос ҳуқуқидир. Бунда ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва меҳнатга ҳақ тўлаш учун ажратилаётган маблағлар ўртасида иқтисодий жиҳатдан асосланган мутаносиблик бўлишига алоҳида эътибор бериш лозим.

2. Кооператив фондлар ва резервлар турлари, миқдори ва тартибини шакллантириш ва улардан фойдаланишни мустақил белгилайди. Юқори кооператив органлари (иттифоқлар, бирлашмалар) кооперативга фондлар бунёд этиш нормативларини белгиламайдилар.

3. Иттифоқлар (бирлашмалар)нинг марказлаштирилган фондлари ва резервларига кооперативларнинг ажратмалари узоқ муддатли, барқарор нормативларга кўра амалга оширилади. Ажратмалар нормативлари демократик негизда кооперативлар вакилларининг мажлислари томонидан белгиланади. Худди ана шу йиғилишлар мазкур фондлар ва резервлар маблағларидан фойдаланиш тартиби ва йўналишларини белгилаб берадилар.

Давлат ва хўжалик бошқарув органларининг кооперативлар иттифоқлари (бирлашмалар) марказлаштирилган фондлари ва резервларини бунёд этиш ва улардан фойдаланишга аралашуви тақиқланади.

19-м о д д а. **Кооперативларда даромад солиғи**

1. Кооператив солиқлар ва бошқа тўловлар тўлаш йўли билан давлат бюджетини шакллантиришда иштирок этади. Солиқлар кооператив фаолиятнинг самарали йўналишларини, ишлаб чиқаришнинг структура ва технологиясини, даромад олиш усулларини танлашга ёрдам беради, даромадларни тақсимлашда социал адолат принципининг рўёбга чиқишини таъминлайди.

Солиқ солиш системаси солиқлар белгилашга кооперативларнинг турлари ва улар фаолиятининг мақсадларига қараб табақалаштирилган ҳолда ёндашувни назарда тутиши лозим.

2. Кооператив даромади (фойдаси)га, шунингдек, кооператив аъзоларининг ва кооператив билан меҳнат шартномаси асосида ишлаётган кишиларнинг шахсий даромадларига солиқ солинади.

Кооперативнинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида унинг даромади (фойдаси)га солиқ солиш, қоидага кўра беш йиллик муддатга белгиланган ўзгармас ставкалар бўйича амалга оширилади.

Кооператив ишлаб чиқариш ва социал тараққиётга, меҳнатга ҳақ тўлашга ажратаётган маблағлар ўртасида иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ мутаносибликни таъминлаш мақсадида кооператив аъзоларнинг ҳамда кооператив билан меҳнат шартномаси асосида ишлаётган кишиларнинг шахсий даромадларига солиқ ставкалари прогрессив шкалага кўра белгиланади.

Аҳоли ва халқ хўжалиги учун зарур бўлган маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида СССР Министрлар Совети кооператив даромадларига ва унда ишлайдиган кишилар даромадларига солиқ солишда имтиёзлар белгилаши мумкин.

Агар кооператив даромади (фойдаси)нинг бир қисми В. И. Ленин номли Совет болалар фонди, Совет тинчлик фонди, Совет маданият фондига ва бошқа хайр-эҳсон мақсадларига ажратилаётган бўлса, даромаднинг шу қисмига солиқ солинмайди.

3. Ўз аъзоларига хизмат кўрсатиш билан банд бўлиб, айни вақтда пул даромади олиб маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқараётган кооперативга ишлаб чиқариш кооперативлари учун белгилаб қўйилган шартларга кўра, унинг шу даромадига солиқ солинади.

4. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг кооперативлар фаолиятини кенгайтиришдан, янги иш жойларини ташкил этишдан, аҳолини халқ истеъмоли товарлари ва хизматлар билан таъминлашни яхшилашдан манфаатдорлигини ошириш учун кооператив ва унинг аъзолари даромадидан олинган солиқ тегишли территорияларнинг иқтисодий ва социал тараққиётида фойдаланиш учун маҳаллий бюджетларга ўтказилади.

5. Кооператив солиқ интизомига қатъий риоя этишга мажбурдир. Солиқ солиниши лозим бўлган даромадлар қасддан яширилган ёки улар камайтириб кўрсатилган ҳолларда яширилган даромаднинг ҳаммаси кооперативдан бюджетга ундириб олинади, шунингдек, ССР Иттифоқи қонунчилигида белгиланган миқдорда жарима солинади.

Кооператив ўз даромадини такроран яширган (камайтирган) тақдирда тегишли молия органи халқ депутатлари маҳаллий Совети ижроия комитети олдига ана шу кооператив фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги масалани қўйиш ҳуқуқига эгадир.

20-м о д д а. **Кооператив маблағлари**

1. Кооперативнинг фаолияти маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқаришни кўпайтириб бораверишга эвазига унинг молиявий аҳволини мустаҳкамлашга, меҳнат унумдорлигини ўстиришга, маҳсулот (иш, хизматлар) таннархини пасайтириш ва сифатини кўтаришга қаратилиши лозим.

Кооперативнинг молиявий ресурслари маҳсулот (иш, хизматлар) сотилишидан тушган маблағ, амортизация ажратмалари, кооператив якка ва коллектив аъзолари бадаллари ва бошқа взносларидан, кооперативда меҳнат шартномасига кўра ишлаётган кишиларнинг взносларидан, шунингдек қимматбаҳо қоғозлар (акциялар)нинг сотилишидан тушган кредитлар ва маблағлардан таркиб топади.

2. Кооператив ўз ихтиёридаги молия ресурсларидан, шу маблағларнинг пайдо бўлиш манбаларидан қатъи назар чекланмаган ҳолда ўз ихтиёри билан ишлаб чиқариш ва социал тараққиёт учун фойдаланади.

Давлат кооперативни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, маблағларни қайтариб бериш шарти билан ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш объектларини капитал қуриш учун бюджетдан маблағ ажратиши мумкин.

3. Кооператив барқарор молиявий аҳволни вужудга келтириш ҳамда табиий офатлар ва бошқа кооператив фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тасодифий вазиятлар оқибатида рўй берган зарарни қоплаш учун СССР давлат страхованиеси органларида ўз мулкини суғурта қилиши мумкин. Кооператив умумий йиғилишининг қарорига кўра, суғурта ихтиёрий тарзда қилинади.

Кооперативлар ва уларнинг иттифоқлари (бирлашмалари) кооператив страхование муассасалари очишга, страхованиенинг шартлари тартиби ва турларини белгилаш ҳуқуқига эгадирлар.

4. Кооператив аъзолари ва унда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган кишиларнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг бўш пул маблағларини жалб этиш мақсадларида ва улардан ишлаб чиқаришни кенгайтириш, реконструкция қилиш ҳамда техникавий жиҳатдан қайта жиҳозлаш, кўпроқ эҳтиёж сезилиб турган янги маҳсулот (иш, хизматлар) ишлаб чиқаришга ўтиш учун кооперативлар ва уларнинг иттифоқлари (бирлашмалари) кооператив аъзоларига ва унда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган кишиларга ҳамда корхоналар (ташкилотлар)га сотиш учун акциялар чиқариши мумкин.

Акциялар кооператив ёки кооперативлар иттифоқи (бирлашмаси) томонидан ССР Иттифоқи Қонунида белгилаб берилган тартибда чиқарилади ва уларнинг мулки бунга гаров бўлади. Акцияларнинг умумий қиймати қоида тариқасида бир йиллик ялпи даромад миқдоридан ошмаслиги керак.

Кооператив аъзолари биринчи галда акцияларни сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Кооператив ёки кооперативлар иттифоқи (бирлашмаси) акциялар муомалада бўлган бутун давр учун уларнинг ўзгармас номинал қийматини ва йиллик даромаддан акцияларга тўлов тартибини белгилайди.

Йиллик даромад ставкалари кооператив кўраётган даромад даражаси ва унинг олдида турган вазифаларга қараб, акция эгалари иштироқ этаётган кооператив умумий йиғилишида ўзгартирилиши мумкин.

Кооперативга ёки кооперативлар иттифоқ (бирлашмаси)га акциялар чиқариш тўғрисидаги ижозатни тегишли молия органи кооперативнинг тўлов қобилиятини текшириб кўрганидан кейин, ССР Давлат банки муассасаси билан келишиб олиб рухсат беради. Рад жавоби берилган тақдирда мазкур молия органи кооперативга ёки иттифоқ (бирлашма)га асосланган тушунтириш хати юборади. Рад тўғрисидаги қарор хусусида юқори молия органига арз қилиниши мумкин.

Акциялар чиқариш ва муомалага киритиш билан боғлиқ бўлган кооператив мажбуриятлари юзасидан давлат жавобгар эмас.

21-м о д д а. **Кредит ва ҳисоб-китоблар**

1. Кооперация системасидаги кредит кооператив молиявий аҳволининг мустаҳкамланишига ёрдам беради, унинг равнақини, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни, ишлаб чиқариш-техника мақсадлари учун маҳсулот тайёрлаш, иш ва хизматларни кенгайтиришни рағбатлантиради.

Янги тузилган кооператив фаолиятини ташкил этиш мақсадида банкнинг тегишли муассасалари белгиланган тарзда имтиёзли шартларда кредит бериши мумкин.

Кооператив ўзи ишлаб турган жойда ҳам, маҳсулоти (иш, хизматлар) сотиладиган жойда ҳам пул операциялари учун банк муассасаларида счет очиш ҳуқуқига эгадир. Кооператив кредит-ҳисоб-китоб операцияларини амалга ошириш учун банкни ўзи танлаб олиш ҳуқуқига эгадир.

2. Банк кооперативга ўзаро мажбуриятлар ва томонларнинг масъулияти белгилаб берилган шартномалар асосида кредит бериши мумкин. Кооператив банкка кредитдан фойдаланганлик учун белгиланган миқдорда процентлар тўлайди.

Банк муассасалари кооперативнинг пул маблағларини ҳисоб-китоб счетларида ва бошқа счетларда сақлайди. Банклар счетлардаги бўш маблағлардан вақтинча фойдаланганлик учун кооперативга процентлар тўлайди.

Банклар кооперативларга касса-ҳисоб-китоб хизмати кўрсатади. Пул хўжалигини юритишни ташкил этишда унга зарур ёрдам беради.

Кооперативга ўз пул маблағларини мустақил тасарруф этишда кафолатлар берилишини таъминлаш мақсадида кооперативнинг счетларидаги маблағларни ҳисобдан чиқариш фақат кооператив кўрсатмаси билан, шунингдек, суд ёки арбитраж-нинг қарори билан амалга оширилади. Кооператив бюджетга тўловлар ва меҳнатга ҳақ тўлашни ҳам қўшиб, барча ҳисоб-китобларни уларнинг келиб тушиши календарь навбатига қараб (тўлов муддатларининг келишига кўра) ўтказади.

Кооператив ўз мажбуриятларига кўра, бошқа корхоналар ва ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар ўтказади, шунингдек, гражданлар билан кредит муассасалари орқали пулсиз ёки тўловлар миқдори чекланмаган ҳолда нақд пул билан ҳисоб-китоб қилади.

Кооператив ҳамиша кассада бўлган, жорий харажатларга мўлжалланган пул маблағларининг энг кўп миқдорини мустақил белгилайди.

3. Кооператив ҳисоб-китоб интизомини мустаҳкамлаши шарт. У кредит шартномалари ва ҳисоб-китоб интизомига риоя этилиши учун батамом жавобгардир. Ҳисоб-китоблар бўйича ўз мажбуриятларини муттасил бажармайдиган кооперативни банк тўловга қодир эмас, деб эълон қилиши мумкин. Кооперативни молиявий соғломлаштириш тадбирлари кўрилгунга қадар унинг мажбуриятларига кўра тўловлар тўлаш тартибини банк белгилайди. Қарз берувчи корхоналар (ташкилотлар) тўловга қодир эмас, деб эълон қилинган кооперативга маҳсулот юборишни ва хизмат кўрсатишни тўхтатиб қўйишлари мумкин.

Кооператив кирадиган корхона (ташкилот) кафолати билан ёки юқори кооператив органнинг кафолати билан мазкур кооперативга истисно тарзида кредит берилиши мумкин.

Кооператив зарар кўриб ишлаётган бўлса ва тўловга қодир бўлмаса, банк халқ депутатлари маҳаллий Совети ижроия комитети олдига кооперативни тугатиш тўғрисидаги масалани қўйиш ҳуқуқига эга, бунда барча қарз берувчиларнинг мулкий манфаатлари белгиланган тартибда таъминланади.

4. Кооператив кредитлардан фойдаланганлик учун процент миқдори тўғрисида келишиб олинган ҳолда ва томонлар ўртасида белгилаб олинган шартлар асосида ўз пул маблағлари ҳисобидан бошқа корхоналар ва ташкилотларга кредит бериши мумкин.

5. Кооператив иттифоқлари (бирлашмалари) хўжалик ҳисобида тармоқ ёки территориал кооператив банклари тузиш ҳуқуқига эгадирлар. Мазкур иттифоқ (бирлашма)га кирадиган кооператив бу банкларга ўз ихтиёри билан кириши мумкин.

Кооператив банк демократик принциплар асосида кооператив ривожланиши учун пул маблағлари ажратадиган кредит муассаса бўлиб, касса-ҳисоб-китоб хизмати кўрсатади, хўжалик ва молия органларида унинг манфаатларини ҳимоя қилади, қимматли қоғозлар (акциялар) чиқараётган кооператив ёки иттифоқ (бирлашма) билан тузилган шартнома асосида банк уларни сотиш, қайтариш ва ана шу қимматбаҳо қоғозлар (акциялар) даромадларини тўлаш билан боғлиқ бўлган ишларни амалга ошириш вазифаларини ўз зиммасига олиши мумкин.

Кооператив банклар кооперативнинг бўш пул маблағларини келишиб олинган шартлар билан жалб этиши мумкин. Улар бошқа корхоналар (ташкилотлар), гражданлар маблағларини ҳам жалб этишлари ва СССРнинг ихтисослаштирилган банкларидан заём олишлари мумкин.

Кооператив банки шартномалар асосида ўз маблағлари билан кооперативнинг хўжалик фаолиятида иштирок этиши мумкин.

Кооператив банк Устави СССР давлат банкида рўйхатга олинади.

Иттифоқлар (бирлашмалар) уларга кирадиган кооперативларнинг розилиги билан молиявий ҳисоб-китоб марказлари тузишлари мумкин. Молия-ҳисоб-китоб маркази ягона ссуда олувчидир, шунингдек у бюджет банклар, бошқа корхоналар ва ташкилотлар олдида кооперативларнинг пул мажбуриятлари юзасидан тўловчи ҳамдир.

6. Кооператив умумий йиғилиш қарорига мувофиқ ўз бўш пул даромадларининг бир қисмига муомалага чиқарилаётган давлат ички ютуқ заёмларини, банкларнинг сертификатлари ва бошқа қимматли қоғозларини олиши мумкин. Шундай операциялар туфайли олинадиган даромадлар кооператив ихтиёрига келиб тушади.

22-м о д д а. **Меҳнат ва унга ҳақ тўлаш, кооперативни социал ривожлантириш**

1. Кооперативдаги меҳнат давлат корхоналари, ташкилотлари, муассасаларидаги ҳамда бошқа корхоналар, ташкилотлар, муассасалардаги ишчи ва хизматчиларнинг меҳнати билан тенг ижтимоий аҳамиятга эгадир. Кооператив аъзолари ва бошқа ходимлари халқ хўжалигининг давлат секторидаги гражданларга бериб қўйилган ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

2. Кооператив меҳнат ҳақидан меҳнат унумдорлигини оширишни рағбатлантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш ва технология интизомини мустаҳкамлашнинг энг муҳим воситаси сифатида фойдаланади.

Кооператив ўз аъзолари ва бошқа ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш форма ва системаларини мустақил равишда белгилайди. Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлаш, қоида тариқасида, пировард иш натижалари эътиборга олиниб, коллектив, оилавий ва шахсий пудрат принципларига асосланади. Кооператив аъзоларининг шахсий маошлари уларнинг меҳнат ҳиссаси билан ва кооператив ялпи даромадининг меҳнат ҳақига ишлатиладиган қисми миқдори билан белгиланади. Маошнинг энг кўп миқдори чекланмайди. Кооперативдаги меҳнатга пул билан ҳам, натура тарзида ҳам ҳақ тўланиши мумкин.

Кооператив меҳнат шартномасига мувофиқ, кооперативга аъзо бўлмаган гражданларни ишга жалб қилиши мумкин, уларнинг меҳнатига томонларнинг келишувига мувофиқ чекланмаган миқдорда маош тўланади.

Кооперативда ишловчи гражданларнинг пенсияси, ўқиш жойидаги стипендияси ва асосий иш жойидаги иш ҳақи тўла ҳажмда сақланади.

3. Давлат социал адолат принципларини изчиллик билан ўтказиш мақсадида асоссиз маошлар олинишига йўл қўймаслик учун солиқ солиш воситаси билан кооператив аъзолари ва унда меҳнат шартномасига мувофиқ ишловчи шахслар даромадларининг миқдорларини тартибга солиб туради.

4. Кооператив ўз аъзолари учун интизом масъулияти чораларини мустақил равишда белгилайди.

Кооператив раисига маъмурий жазо берилиши, шу жумладан, уни лавозимидан озод қилиш кооператив аъзолари умумий йиғилишининг қарори билан, унинг бошқа раҳбар ходимларига шундай жазо берилиши кооператив правлениеси томонидан белгиланади. Ҳеч қандай давлат ва юқори кооператив органлари кооператив раисига ва бошқа раҳбар ходимларига маъмурий жазо беришга ҳақли эмаслар.

Кооперативда моддий рағбатлантириш билан бир қаторда юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришилганлиги, ҳалол меҳнати учун маънавий рағбатлантириш системаси кенг қўлланилади.

5. Кооперативдаги иш кунининг давомийлиги ва тартиби, дам олиш кунлари, жумладан, қўшимча дам олиш кунлари бериш тартиби, шунингдек, бошқа меҳнат шароитлари кооперативнинг ички тартиби қоидаларида белгиланади.

Кооператив меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасини таъминлашга оид чора-тадбирларни амалга оширади, шунингдек халқ хўжалигининг тегишли тармоқлари давлат корхоналари ва ташкилотлари учун белгиланган қоидалар ва нормаларга амал қилиб, кооператив аъзоларига ҳар йили ҳақ тўланадиган отпускалар беради.

6. Ўз меҳнати билан кооператив фаолиятида қатнашаётган кооператив аъзолари ишчи ва хизматчилар билан баб-баравар социал страхование ва социал таъминотдан фойдаланадилар.

Кооператив аъзоси бўлган ҳомиладор аёлларга енгилроқ иш берилиб, аввалги ишидаги ўртача маоши сақлаб қолинади, шунингдек, ҳомиладорлик ва туғиш юзасидан ишчи ва хизматчи аёллар учун белгиланган муддатда отпускалар беради. Кооператив уларга қўшимча отпускалар тайинлаши мумкин. Ёш болалари бўлган аёлларга болаларни боқиш учун зарур шароит яратиб берилади.

Кооператив ўзининг 18 ёшга етмаган ва унинг ишида қатнашаётган аъзолари учун қисқартирилган иш куни ҳамда амалдаги қонунларда ишчи ва хизматчилар учун кўзда тутилган бошқа имтиёзларни белгилайди.

Умумий йиғилишнинг қарорига биноан кооператив ўз даромадлари ҳисобидан ўз аъзоларининг социал таъминоти юзасидан қўшимча имтиёзлар жорий этишга ҳақлидир.

7. Кооператив социал страхование ва социал таъминот юзасидан кооператив аъзоларига бериб қўйилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун ўз даромадларидан социал страхование давлат фондига СССР Министрлар Совети белгилаб берган тартибда ва миқдорларда ажратмалар топширади.

8. Актив социал сиёсатни ўтказиш кооператив фаолиятининг энг муҳим йўналиши бўлиши керак. Кооперативни социал ривожлантириш масалалари умумий йиғилишда ҳал этилади. Кооператив ўз аъзоларининг, шунингдек, меҳнат шартномасига мувофиқ ишлаётган кишиларнинг, улар оила аъзоларининг, уруш ва меҳнат ветеранларининг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг манфаатлари ва талаб-эҳтиёжларини қондириш тўғрисида ғамхўрлик қилади. Кооператив ўз маблағи ҳисобидан уй-жой бинолари, мактабгача тарбия муассасалари ва бошқа социал объектларни қуради, шунингдек бу объектларни давлат корхоналари, ташкилотларидан ижарага олиши ёки сотиб олиши мумкин. Кооператив ўз социал фаолиятини халқ депутатлари маҳаллий Совети билан, кооператив ўз фаолиятига кўра мансуб бўлган халқ хўжалиги тармоғини бошқарувчи давлат органи билан мустақкам ўзаро

ЛОЙИҲА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи

СССРдаги кооперация тўғрисида

ҚОНУНИ

(Давоми. Боши 2-, 3-бетларда).

1. Кооперативнинг фан-техника тараққиёти соҳасидаги фаолияти бозорда рақобат қобилиятига эга бўлган маҳсулотни ишлаб чиқаришга (ишлар ва хизматларни бажаришга) қаратилиши лозим. Кооператив маҳсулотни ўз вақтида янгилаш тўғрисида ғамхўрлик қиладди, истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондиришга мослашади. Шу мақсадда кооператив техникавий даражани оширади ва технологияларни такомиллаштиради.

2. Кооператив академия ва тармоқ илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ва технология институтлари ишларининг натижаларидан давлат секторидаги корхона ва ташкилотлар билан бир қаторда шартнома асосида фойдаланиш ҳуқуқига эгадир.

Давлат фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан кооперация системасида кенг фойдаланишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди, бу жараёнга тўсқинлик қиладиган бошқарув органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай хатти-ҳаракатлари пайини қатъият билан қирқади.

3. Кооператив ўз составида ҳамда бошқа корхоналар (ташкилотлар) билан биргаликда тадқиқотлар ўтказиш ва илмий ишланмаларни шартнома асосида ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун илмий-техника ва бошқа ижодий коллективларни тузишга ҳақлидир.

4. Давлат органлари кооперативнинг илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари хусусидаги таклифлари ва талабномаларини кўриб чиқишга, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул этишга ва уларни хўжалик ҳисоби асосларида амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашишга мажбурдирлар.

5. Маҳсулотнинг (ишлар, хизматларнинг) сифати кооператив фаолияти, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш натижаларини баҳолашда ҳал қилувчи кўрсаткичдир. Кооперативнинг ҳар бир аъзоси ўз корхонасининг шон-шарафи тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўз касб-коридан фахрланиш белгиси деб билиши лозим. Кооперативлар ва уларнинг иттифоқлари (бирлашмалари) маҳсулот ва хизмат сифатини яхшилаш, уларнинг рақобат қобилиятини ошириш мақсадида маҳсулот (иш, хизматларнинг) виставкасини, уларни сотиш ярмаркаларини ўтказиш, моллар (ишлар, хизматлар)ни оммавий ахборот воситалари орқали кенг реклама қилиш, реклама нашрлари чиқариш, ўз моллари нинг тамғасини белгилаб қўйиш ҳуқуқига эгадирлар.

Кооператив маҳсулоти (иши, хизматлари) сифатига нисбатан қўйиладиган талаблар, шу сифатни таъминлашга оид зарур чора-тадбирлар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маҳсулот (ишлар, хизматлар) сифати тўғрисидаги қонунларига мувофиқ бўлиши керак.

Кооператив давлат ва истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлат стандартлари ва бошқа нормаларга, аввало одамларнинг хавфсизлигини, соғлиғи сақланишини ва атроф-муҳит муҳофаза этилишини гарантиялайдиган талабларга қатиқ риоя қилинишини таъминлашга мажбур.

Юқори сифатли ва ишлаб чиқаришда катта чиқимлар қилинадиган янги маҳсулотни ўзлаштириш даврида кооперативга унинг даромадларидан солиқ тўлаш соҳасида СССР Министрлар Совети белгилайдиган тартибда имтиёзлар берилиши мумкин.

Давлат органлари ўз ҳуқуқларига мувофиқ кооперативнинг маҳсулот (иш, хизматлар) сифати тўғрисидаги ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар қонунларига риоя этиши устидан назорат қилиб турадилар.

24-м о д д а. **Кооперативнинг моддий-техникавий таъминоти**

1. Кооператив ўзига зарур хом ашё, материаллар, асбоблар, ускуналар ва бошқа мол-мулкларни улгуржи савдо тартибида давлат ва кооператив корхоналари ҳамда ташкилотларидан, колхоз бозорларидан, аҳолидан сотиб олади, буюртмачилар билан тузилган шартномалар асосида улардан (гражданлардан) корхона ва ташкилотлардан олинган моддий ресурслардан фойдаланади, шунингдек халқ депутатлари маҳаллий Советининг ижроия комитети белгилаб берадиган рўйхатга мувофиқ давлат ва кооператив чакана савдо тармоғидан моллар сотиб олади. Кооператив марказлаштирилган тартибда тақсимланадиган моддий-техникавий ресурслардан ташқари, шунингдек уларни етказиб бериш усулларидан ташқари ресурсларни етказиб берувчини танлаш ҳуқуқига эгадир.

2. Кооперативнинг давлат буюртмасини ижро этиш юзасидан шартномаларга мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариши (иш, хизматларни бажариши) марказлаштирилган тарзда тақсимланадиган моддий-техника ресурслари билан таъминланади.

3. Моллар, маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш учун кооператив зарур ҳолатларда маҳаллий ҳом ашёни қазиб олиш ва қайта ишлашни ҳамда белгиланган тартибда фойдали қазилмаларни қазиб олишни, иккиламчи ресурслар ва чиқитларни йиғиш ва қайта ишлашни, ёрдамчи қишлоқ хўжалигини, асбоб-ускуналар, мосламалар ясаш ва ремонт қилишни, шунингдек ўз маҳсулоти билан ўзи хизмат қилишни уюштиради. Шу мақсадда кооператив составида цехлар, участкалар ва бошқа бўлинмалар тузилиши мумкин.

4. Кооператив давлат ва кооператив корхоналари (ташкилотлари)дан фойдаланилмаётган бинолар, иншоотлар, машиналар, ускуналар, транспорт воситалари, хом ашё ва бошқа материалларни сотиб олишга, айирбошлашга, ижарага ва қарзга олишга ҳақлидир.

5. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган ва аҳолига хизмат кўрсатадиган кооперативнинг моддий-техника ресурслари учун ҳисоб-китоблари улгуржи нархларда ошиб борадиган коэффициентларга мувофиқ ёки чакана нархларда, бундай нархлар бўлмаган тақдирда эса, шартномавий нархларда амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш-техника маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ҳамда давлат корхоналари ва ташкилотларига хизмат кўрсатишга ихтисослашадиган кооператив ўзига керакли хом ашё, материаллар, асбоб-ускуналар ва бу-юмларни улгуржи ёки шартномавий нархларда харид қилади.

25-м о д д а. **Кооперативнинг ташқи иқтисодий фаолияти**

1. Кооперативлар ва уларнинг иттифоқлари (бирлашмалари) ташқи иқтисодий фаолиятда актив қатнашадилар, мамлакат экономикасини мустаҳкамлашга, унинг халқаро обрў-эътиборини оширишга, валюта ресурсларини жамғаришга, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва кооператив ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун имкониятлар яратишга кўмаклашадилар.

Кооперативларнинг ва улар иттифоқлари (бирлашмалари)нинг ташқи иқтисодий фаолияти ўз харажатларини ўзи валюта билан қоплаш ва ўзини ўзи пул билан таъминлаш асосида амалга оширилади.

2. Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи йирик кооперативлар ва уларнинг иттифоқлари (бирлашмалари) маҳсулоти (бажарадиган иши, хизмати) ташқи бозорда рақобат қобилиятига эга бўлса, уларга белгиланган тартибда экспорт-импорт операцияларини бевосита амалга ошириш ҳуқуқи берилиши мумкин.

Бошқа кооперативлар моллари (ишлари, хизматлари) экспорт ва импорт қилиш соҳасидаги ўз операцияларини шартнома асосида тегишли ташқи савдо ташкилотлари орқали амалга оширадилар.

Кооперативлар ва уларнинг иттифоқлари (бирлашмалари) чегара атрофи савдоси бўйича чет эллик мижозлар билан белгиланган тартибда ташқи савдо операцияларини ўтказишга ҳақлидирлар.

3. Экспорт-импорт операцияларини амалга оширишдан иқтисодий манфаатдорлик ва масъулиятни кучайтириш, мустақилликни кенгайтириш мақсадида моллар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилиш натижасида кооперативлар ва уларнинг иттифоқлари (бирлашмалари) олган чет эл валютасидаги пул СССР Министрлар Совети белгилаган нормативларга мувофиқ давлатга ажратма берилганидан кейин уларнинг ўз ихтиёрида қолади, у тортиб олиниши мумкин эмас ва келгуси йилларда фойдаланиш учун тўпланиши мумкин.

Маҳсулот (иш, хизматлар)ни экспорт қилишдан олинган чет эл валютасидаги маблағларни кооперативлар ва уларнинг иттифоқлари (бирлашмалари) ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва товар оборотини кўпайтириш учун зарур асбоб-ускуналар, моллар, хом ашё, материал ва хизматларни импорт қилишга ҳамда социал-маданий соҳанинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлашга ишлатишлари мумкин.

Башарти, кооперативларнинг иттифоқи (бирлашмаси)га экспорт-импорт операцияларини бевосита амалга ошириш ҳуқуқи берилган бўлса, ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишдан тушган валюта тариқасидаги пул давлатга ажратмалар чегириб олинганидан кейин ҳар бир кооперативнинг валюта маблағи олишга қўшган ҳиссасига пропорционал тарзда тақсимланади. Иттифоқ (бирлашма)га кирган кооперативларнинг умумий розилиги билан улар ишлаб топган валюта маблағининг бир қисми мазкур иттифоқ (бирлашма)нинг марказлаштирилган фондига ажратилиши мумкин.

4. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ишлаб чиқарилаётган моллар ва кўрсатилаётган хизматларнинг рақобат қобилиятини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган кооперативлар ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг тегишли ташкилотлари билан қўшма корхоналар, халқаро бирлашма ва ташкилотлар тузишлари, капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларнинг фирмалари билан қўшма корхоналар барпо этишлари мумкин.

Кооперативлар ва уларнинг иттифоқлари (бирлашмалари) чет эллик мижозлар билан келишиб, қўшма корхона (ташкилот)ларнинг ихтисослашувини, ишлаб чиқариш ҳажми ва структурасини маҳсулот (иш, хизмат)га тўлов қобилиятига эга бўлган талабга асосланиб уни реализация қилиш шартларини, шу жумладан нархларини белгилайдилар.

Қўшма корхона (ташкилот)лар СССР территориясида ҳам, шунингдек чет мамлакатларнинг территорияларида ҳам барпо этилади.

Кооперативлар ва уларнинг иттифоқлари (бирлашмалари) социалистик мамлакатларнинг тегишли корхона (ташкилот)лари билан илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантирадилар, бирга ликдаги илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ва экспериментал ишларни ташкил этадилар, мутахассисларнинг халқаро коллективларини тузадилар, фан-техника ҳужжатларини белгиланган тартибда ўзаро келишиб олинган шартлар билан айирбошлайдилар, кадрларни ўқитишда кўмак берадилар.

5. Бошқа мамлакатларнинг кооператив ташкилотлари билан самарали ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида кооперативлар ва уларнинг иттифоқлари (бирлашмалари) ўз уставларига мувофиқ халқаро кооператив ташкилотларнинг фаолиятида қатнашишлари мумкин.

6. СССР банклари ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган кооперативларга ва уларнинг иттифоқлари (бирлашмалари)га совет ва чет эл валютасида, шунингдек ўтказилувчи сўмларда кредитлар бериши мумкин, бу кредитлар валюта тарзида тушган пул, импорт қилинган маҳсулотни сотиш маблағлари ёки кооперативларнинг ҳамда улар иттифоқлари (бирлашмалари)нинг бошқа ўз маблағлари ҳисобидан узилади.

7. Кооперативлар ва уларнинг иттифоқлари (бирлашмалари) ўз ташқи иқтисодий фаолиятининг самарадорлиги ҳамда валюта маблағларидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш манфаатлари йўлида оқилона фойдаланиш учун иқтисодий жавобгардирлар. Экспорт юзасидан олинган мажбуриятлар ва бошқа шартномавий мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, улар етказилган зарарни ўзларининг бутун мол-мулки билан, шу жумладан валюта маблағлари билан қоплайдилар, шунингдек, башарти мажбурият уларнинг айби билан бажарилмай қолган бўлса, чет эллик харидорга валюта жамғармалари ҳисобидан валюта тарзида жамғармалар тўлайдилар ва уларга нисбатан бошқа жазо чоралари қўлланилади.

IV. Давлат ва кооперация

26-м о д д а. **Кооперативлар фаолиятига давлат раҳбарлиги**

1. Гражданларнинг СССР Конституциясида эълон қилинган кооператив ташкилотларга бирлашиш ҳуқуқи СССРнинг иқтисодий системаси билан, кооперативларнинг ишлаб чиқариш воситаларига ва уларнинг Уставидаги вазифаларни амалга ошириш учун зарур бошқа мулкка эгалик ҳуқуқини тан олиш билан, давлатнинг кооператив мулкни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиши билан гарантияланади.

2. Давлат кооперативлар ва улар аъзоларининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига риоя этилишини гарантиялайди, кооперативларнинг манфаатларини умумхалқ манфаатлари билан тўғри бирга қўшишни таъминлайди.

Давлат органлари кооперативларнинг хўжалик мустақиллигини ривожлантиришга ва мустаҳкамлашга, фаолият самарадорлигини оширишга кўмаклашишлари, кооперативлар аъзоларининг ижодий активлиги ва ташаббусини ҳар қандай чеклашларга йўл қўймасликлари керак.

Кооперативларга давлатнинг раҳбарлигини халқ депутатлари Советлари ва бошқа давлат органлари умумхалқ манфаатларини кўзлаб ушбу қонунга қатъий мувофиқ равишда амалга оширадилар.

3. Давлат органлари ўзларига қарашли саноат, қишлоқ хўжалик, қурилиш корхоналари ва бошқа корхона (ташкилот)лар зарар кўриши, тўлов қобилиятидан маҳрум бўлиши, ўз маҳсулоти (иши, хизмати)га талаб бўлмаслиги сабабли ёки давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунининг 23-моддасида кўзда тутилган бошқа асосларга кўра ўз фаолиятини тўхтатган тақдирда, майда ва ўртача корхоналар негизида маҳсулот ишлаб чиқарувчи (иш, хизматларни бажарувчи) кооперативлар тузилишига кўмаклашадилар. Улар янги ташкил этиладиган, шунингдек ишлаб турган корхоналарга тугатиладиган корхоналар (ташкилотлар)нинг мол-мулкини томонларнинг келишуви шартлари асосида олиб беришга, ижарага топширишга ҳақлидирлар.

4. Давлат оммавий ахборот воситалари ёрдамида кооперативларнинг фаолияти учун энг қулай идеологик шарт-шароитларни яратади, ҳамма жойда кооперативнинг ҳар бир аъзоси унда ишлаш орқали муҳим ижтимоий-фойдали ишни бажараётганлигини, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти вазифаларини ҳал этишда, аҳолининг моллар ва хизматларга бўлган талабини қондиришда давлатга ёрдам бераётганини англайдиган маънавий-психологик иқлимни таъминлаб беради.

27-м о д д а. **Халқ депутатлари Советлари ва кооперацияни ривожлантириш**

1. Халқ депутатлари Советлари ва бошқа давлат органлари капитал маблағларни пул билан таъминлаш, марказлаштирилган тарзда тақсимланадиган моддий- техникавий ресурслар лимитлари (фондлари)ни, пудрат ва қурилиш-монтаж ишларини ажратиб бериш йўли билан давлат буюртмаларини бажариш учун шартномалар асосида халқ хўжалик, тармоқ ва регионал вазифаларни ҳал этишда кооперативларнинг иштирокини таъминлайдилар.

2. Халқ депутатлари Советлари ва уларнинг давлат органлари кооперативларга хилма-хил ёрдам берадилар: уларнинг фойдаланиши учун ҳақ олмай, шунингдек ижарага ер, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа бинолар, асбоб-ускуналарни берадилар техника ва технологияни такомиллаштиришда, кооперативларнинг моллари ва хизматларини реклама қилишда кўмаклашадилар, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан самарадор структурасини ишлаб чиқишга ёрдамлашадилар, кооперативларга турли имтиёз ва афзалликлар берадилар.

3. Халқ депутатлари Советлари ва уларнинг давлат органлари кооператив тузиш истагини билдирган гражданларни муайян регионда ва мазкур вақтда қайси маҳсулот (иш, хизмат) турларига талаб катта эканлиги тўғрисидаги зарур ахборот билан таъминлайдилар.

4. Халқ депутатлари Советлари ва бошқа давлат органлари меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш гигиенаси ва санитарияси, ёнғин хавфсизлиги, чорва ва ўсимликлар касалликларига қарши кураш, табиий ресурсларни ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига оид амалдаги қонунларга кооперативларнинг риоя этиши устидан, шунингдек, кооперативларнинг молия интизомига, давлат бюджети тўловлари юзасидан белгиланган мажбуриятларга риоя этишлари, ҳисоб-китоб ва давлат ҳисоботини олиб боришлари устидан назорат қилиб турадилар.

5. Халқ депутатлари Советлари ва бошқа давлат органлари кооперативларнинг социал ривожланишига, шу жумладан санаторий ва профилакторийлар, касалхона ва поликлиникалар, дам олиш уйлари ва пионер лагерлари, кексалар ва инвалидлар уйлари қуришга бунинг учун зарур ер участкалари бериш, марказлаштирилган тарзда тақсимланадиган моддий-техникавий ресурслар, пудрат ва қурилиш-монтаж ишлари лимитлари (фондлари) ажратиш йўли билан ҳар томонлама кўмаклашадилар.

28-м о д д а. **Кооперативлар учун кадрлар тайёрлаш**

1. Кооперативлар давлат корхоналари ва ташкилотлари билан бир қаторда мамлакатда кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш юзасидан барпо этилган базавий имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Давлат ўқув юртлари кооперативлар билан тузилган шартномаларга биноан кооперативларни юқори малакали кадрлар билан таъминлаш учун зарур касблар юзасидан мутахассислар тайёрлашни йўлга қўядилар.

3. Давлат кооперативларнинг талабномаларига мувофиқ СССР министрликлари ва идораларининг, СССР Фанлар академияси ва тармоқ академияларининг илмий-тадқиқот ташкилотлари орқали, шунингдек олий ўқув юртлари орқали аспирантура ва докторантурада ўқиш йўли билан илмий кадрлар тайёрлашни таъминлайди, шу мақсадлар учун қилинган харажатлар кооперативларнинг маблағлари ҳисобидан қопланади.

4. Кооперативларга тармоқ институтлари билан шартнома асосларида, аввало, фан ва техниканинг энг янги ютуқларидан фойдаланишга алоқадор соҳалардаги кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ҳуқуқи берилади. Зарур ҳолларда кооперативлар чет эллардаги кооперативларни ташкил этиш ва уларнинг фаолият тажрибаси билан танишиш учун мутахассисларни бошқа мамлакатларга стажировкага ва қайта тайёрлаш учун юборишлари мумкин.

Кооперативлар шу мақсадларга қилинадиган харажатларни ўз маблағлари ҳисобидан қоплайдилар.

5. Давлат кооперативларга ва уларнинг иттифоқлари (бирлашмалари)га ўз ҳунар-техника билим юртлари, техникумлари, институтлари, шунингдек илмий-тадқиқот, лойиҳа, технология ва конструкторлик ташкилотлари шохобчасини ривожлантиришда кўмаклашади.

29-м о д д а. **Ҳисоб-китоб, ҳисобот ва контрол**

1. Ишлаб чиқаришнинг ривожини таҳлил этиш, пухта бошқарувни таъминлаш, ишлаб чиқариш программасини бажаришда эҳтимол тутилган номутаносибликларнинг олдини олиш учун кооператив ўз фаолиятининг натижаларини ҳисоб-китоб қилиб боради, давлат белгилаб қўйган тартибда бухгалтерия ва статистика ҳисоботини юргизади ва унинг тўғрилиги учун масъул бўлади. Даромадлар тўғрисидаги декларация кооперативнинг даромадлари, кооператив аъзоларининг, шунингдек меҳнат шартномасига мувофиқ унда ишлаётган гражданларнинг шахсий даромадлари тўла-тўкис акс этадиган юридик ҳужжат бўлади.

Давлат белгилаб қўймаган бошқача ҳисоботни талаб қилиш ва тақдим этиш тақиқланади.

2. Кооператив моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан тежаб-тергаб ва эҳтиёт қилиб фойдаланиш устидан қаттиқ назорат ўрнатиши, хўжасизлик ва исрофгарчиликка йўл қўймаслиги, ўғирликлар ва қонунни бузишлар тўғрисида прокуратура ва ички ишлар органларини хабардор қилиши, бухгалтерия ва бошқа муассасаларнинг қонунчиликка, шартномавий ва молиявий интизомга риоя этилишига доир роли ва масъулиятини ошириши керак.

3. Кредитлар олувчи кооператив банк муассасасига шартномада белгиланадиган ҳажмда бухгалтерия ва статистика ҳисоботини тақдим этади.

Кооперативнинг ишлаб чиқариши ва даромадлари тўғрисидаги ҳисобот нотўғри эканлиги ёки бухгалтерлик ҳисоботи ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги аниқланган тақдирда банк кооперативга кредит беришни ва касса ҳисоб-китоби хизматини тўхтатишга ҳақлидир.

4. Кооперативнинг фаолиятини ревизия қилиш ва текшириш ишини унинг ревизия комиссияси, шунингдек молия-банк муассасалари, нарх белгилаш органлари ва бошқа ташкилотлар кооперативларнинг фаолияти устидан назорат қилиш юзасидан амалдаги қонунларда ўз зиммаларига юклатилган вазифаларга мувофиқ равишда ўтказадилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва халқ контроли комитетларининг талабига мувофиқ ҳам ревизия ва текшириш ўтказилиши мумкин. Бунда ревизия ва текширишлар кооператив ишининг нормал маромини бузмаслиги керак.

5. Молия органлари кооперативнинг солиқ солиниши лозим бўлган даромадлари миқдори устидан ва кооператив аъзоларининг даромадларига солиқ солиниши тўғрилиги устидан белгиланган тартибда даромадлар тўғрисида кооператив тақдим этган декларацияларга мувофиқ назорат қилиб турадилар.

V. Кооперативлар айрим турларининг бир-биридан фарқ қиладиган хусусиятлари

КОЛХОЗЛАР ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КООПЕРАТИВЛАРИ

30-м о д д а. **Колхозлар ва агросаноат комплекси составидаги бошқа қишлоқ хўжалик кооперативлари**

1. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативининг энг устун шакли бўлмиш колхоз ушбу қонунда кўзда тутилган ҳамма ҳуқуқлардан фойдаланади ва шу билан бирга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ҳамда агросаноат комплексини бошқаришни ташкил этишнинг ўзига хослигидан келиб чиқадиган фарқ қилувчи хусусиятларга эга бўлади.

2. Колхоз товар ишлаб чиқарадиган мустақил коллектив сифатида интеграция ишлаб чиқариш — иқтисодий алоқалари негизида бошқа агросаноат комплекси корхоналари (ташкилотлари) билан шартнома асосида биргаликда иш олиб боради.

Колхоз ўзига биркитиб қўйилган ер ва бошқа табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиб, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатнинг қишлоқ хўжалик хом ашёсига эҳтиёжларини қондириш мақсадида юқори сифатли деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни авж олдириши керак.

3. Колхоз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан бир қаторда ердан, ишлаб чиқариш фондларидан, меҳнат ва молия ресурсларидан янада тўлароқ фойдаланиш ҳамда даромадларни кўпайтириш мақсадида фаолиятнинг қонун тақиқлаб қўймаган ҳар қандай турлари билан: қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари, ишлаб чиқариш-техника мақсадларига мўлжалланган маҳсулотлар етиштириш ва ишлаб чиқариш билан, савдо, ремонт ва қурилиш ишлари, корхоналарга, ташкилотларга, аҳолига хизмат кўрсатиш билан чекланмаган ҳолда шуғулланиши мумкин.

Ҳам кооперативларнинг ўз территориясида, ҳам уларнинг ўз жойидан ташқарида фаолиятнинг ҳар хил турларини ривожлантиришларида давлат колхозларга кўмаклашади.

4. Ер майдонларидан, ишлаб чиқариш фондлари ва меҳнат ресурсларидан тағин ҳам оқилона фойдаланиш, колхозчилар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ходимларининг меҳнат унумдорлиги ва хўжаликлар даромадини оширишдан иқтисодий манфаатдорлигини кучайтириш мақсадида колхозларда ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида гражданларнинг истагига мувофиқ хўжалик ички ишлаб чиқариш — иқтисодий муносабатларининг асосий шакли сифатида коллектив ва оила пудрати шароитида, шунингдек ер участкалари ва асосий фондларни ижарага олиб ишлайдиган хўжалик ҳисобидаги мустақил кооператив коллективларини тузилади, уларнинг даромадлари хўжалик юритишнинг пировард натижаларига қараб белгиланади.

Хўжалик ана шундай коллективларга шартнома асосида ўзи етиштирган, ишлаб чиқарган маҳсулотларни (ишларни ва хизматларни) мустақил равишда реализация қилиш, олинган даромадлардан фойдаланиш, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш учун, давлат социал страхование фондига солиқлар ва аҳратмаларни тўлаш учун фойдаланиш, шунингдек банк муассасаларида ёки молиявий— ҳисоб-китоб марказида ўзларининг ҳисоб-китоб счётларини очиш ҳуқуқини беради.

5. Қишлоқ жойларда кооперативларнинг бошқа турлари, жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш кооперативлари ва ширкатлари, қишлоқ хўжалик-ҳунармандчилик кооперативлари, балиқчилик колхозлари, қурилиш кооперативлари, уй-жойлар, хўжалик ички йўллари ва бошқа объектларни қуриш кооперативлари, таъминот —савдо, кредит, ўрмон хўжалиги кооперативлари, шахсий томорқа хўжаликларидан биргаликда фойдаланиш ва бошқа хизматлар кўрсатиш юзасидан кооперативлар тузилиши мумкин.

Бундай кооперативлар ва ширкатларни ташкил этишда ҳамда уларнинг фаолиятида колхозчилар, совхоз ходимлари, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ходимлари ва ўзга гражданлар ўз мулкий взнослари билан қатнашишлари мумкин.

6. Қишлоқ хўжалик кооперативлари, айниқса ишлаб чиқариш ҳажми катта бўлмаган қишлоқ хўжалик кооперативлари фаолияти самарали бўлиши учун, улар илғор технологиялар ва янги техникадан фойдаланиш учун шароит яратиш мақсадида тракторлар ҳамда бошқа мураккаб қишлоқ хўжалик машиналарини, автомобилларни, бошқа техника воситаларини прокатга бериш юзасидан, шунингдек ишлаб чиқариш-техникавий, агрохимик хизмат кўрсатиш ва хизматнинг бошқа турлари юзасидан кооперативлар ташкил этилиши мумкин.

7. Колхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативлари агросаноат комплексининг бошқа корхоналари ҳамда ташкилотлари билан баҳамжиҳат ҳаракат қилиб, ўз хўжалик мустақилликларини йўқотмаган ҳолда умумий йиғилиш қарорига мувофиқ, ихтиёрийлик асосида ва ўзаро манфаат кўриш шароитларида район ва бошқа агросаноат бирлашмаларига, агрокомбинатларга, агрофирмаларга, ишлаб чиқариш, илмий ишлаб чиқариш системалари ҳамда бошқа системаларга қўшилишлари мумкин.

Мазкур бирлашмалар ва системалар составидаги колхозлар ёки бошқа кооперативларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилган тақдирда ёки уларнинг биргаликдаги фаолияти кооперативлар учун иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб чиқмаса, улар умумий йиғилишнинг қарорига мувофиқ бирлашма ёки система составидан чиқишга ҳақлидирлар.

8. Колхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативлари иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлса ўз аъзолари умумий йиғилишининг қарори билан хўжаликлараро корхоналар (ташкилотлар) тузишда иштирок этишлари мумкин.

Колхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативларининг бошқа корхоналари ўз вакиллари орқали хўжаликлараро корхоналар (ташкилотлар) ишларини бошқаришда қатнашадилар, унинг маҳсулотларини (ишларини, хизматларини) реализация қилишдан тушган даромадлардан ўз улушларини оладилар, ана шу корхона (ташкилот) қатнашчилари бўлган хўжаликлар вакилларининг йиғилиши тасдиқлаган низомга мувофиқ равишда унинг фаолияти натижалари учун моддий жавобгар бўладилар.

Хўжаликлараро корхоналар (ташкилотлар) унда қатнашувчи хўжаликлар вакилларининг йиғилишига тўла бўйсунади.

Колхоз ёки бошқа қишлоқ хўжалик кооперативи умумий йиғилиш қарорига мувофиқ хўжаликлараро корхона (ташкилот) составидан чиқиши ва умумий мулкнинг ўзига тегишли улушини қайтариб олиши мумкин.

31-м о д д а. **Колхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативидаги иқтисодий механизмнинг ўзига хос хусусиятлари**

1. Колхозлар иқтисодий ва социал ривожланиш беш йиллик планларини йилма-йил тақсимлаб, мустақил равишда ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар. Улар планларда хўжаликни ривожлантириш ҳамда унинг аъзоларининг моддий ва социал эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган маҳсулотлар ва даромадларни нўпроқ олишни таъминлайдиган ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан энг мақбул структурасини белгилайдилар.

2. Колхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативлари агросаноат бирлашмалари, агрокомбинатлар ва бошқа агросаноат бўлинмалари, корхоналари ва ташкилотларига етказилган давлат буюртмасига асосланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланадиган корхоналар ҳамда бошқа ташкилотлар билан бундай маҳсулотларни етказиб бериш хусусида шартнома тузадилар.

Бу бирлашмалар ва бўлинмалар колхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик кооперативлари давлат буюртмаларини ижро этишлари учун нархлар системаси, маҳсулотнинг сотилишини гарантиялаш, моддий-техника ресурсларини ажратиш ва бошқа иқтисодий методлар йўли билан шартнома асосида маҳсулот етказиб беришларини рағбатлантириш чораларини кўрадилар.

Корхоналар ва ташкилотлар ўзларига етказилган давлат буюртмаси ҳисобига маҳсулот етказиб бериш шартномасига қўшимча етиштирилган маҳсулотнинг ҳаммасини колхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативлари ўз ихтиёри билан ҳар қандай истеъмолчиларга ва колхоз бозорларида сотишлари мумкин.

3. Колхоз ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативи давлат буюртмасини бажариш юзасидан шартнома асосида корхоналар ва ташкилотларга реализация қилган маҳсулот учун марказлаштирилган тартибда белгиланган нархларда ҳақ тўланади.

Колхоз ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативи реализация қиладиган бошқа маҳсулотларнинг нархи томонларнинг аҳдлашувига мувофиқ белгиланади ёки хўжаликнинг ўзи мустақил белгилайди.

4. Давлат колхозлар ва халқ хўжалиги манфаатларини кўзлаб колхозларнинг ихтисослашувини иқтисодий жиҳатдан рағбатлантиради, кенг миқёсда озиқ-овқат ва ем учун товар дон, сабзавот, мева, техника экинлари, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришнинг ихтисослаштирилган зоналарини, бу маҳсулотларни етиштирган жойнинг ўзида мумкин қадар тўла қайта ишлашни ташкил этишга кўмаклашади.

Ҳар бир зонада колхозлар давлат буюртмасини бажариш юзасидан етказиб берадиган асосий ихтисослик бўйича деҳқончилик маҳсулотлари нархи ишлаб чиқариш харажатлари қопланишини масқур зоналарнинг нисбатан ёмонроқ табиий-иқтисодий шароитларида жойлашган колхозлар кенгайтирилган такрорий ишлаб чиқариш учун зарур бўлган соф даромад олишларини таъминлаши лозим. Бунда хўжалик юритиш даражаси пастлиги билан боғлиқ бўлган чиқимлар ҳисобга олинмаслиги керак.

Нисбатан яхши шароитда жойлашган колхозлар даромад солиғи билан бир қаторда давлатга ер сифати ва бошқа табиий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олувчи рента тўловларини тўлайдилар. Колхозларнинг ерлар унумдорлигини ошириш ва хўжалик юритиш объекти сифатида уларни яхшилаш натижасида олган даромадлари тўла равишда шу кооперативлар тасарруфида қолади.

5. Ихтиёрийлик асосида агросаноат бирлашмалари, комбинатлари, агрофирмалар, агросаноат комплексининг ишлаб чиқариш ва илмий-ишлаб чиқариш системаларига кирган колхозлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик кооперативлари ана шу бўлинмалар олдида турган мақсад ва вазифаларни ҳисобга олиб, ўз маҳсулотларининг истеъмолчилари билан шартнома тузадилар.

6. Давлат колхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативларининг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш мақсадида ерларни мелиорациялаш, йўллар қуриш, қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига, чорва моллари касалликларига қарши кураш ишларини амалга ошириш, халқ хўжалиги аҳамиятига ва социал аҳамиятга эга бўлган табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва бошқа тадбирлар учун қайтариб бериш шарти билан, шунингдек қайтариб бермаслик шарти билан бюджет ҳисобидан пул ажратиши мумкин.

Бундай ҳолларда давлат бюджет ҳисобидан пул билан таъминланадиган объектларни ишга туширишда юзасидан колхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативларига давлат буюртмасини белгилаб беришга ҳақлидир.

32-м о д д а. **Ердан фойдаланишни учун колхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативларининг жавобгарлиги**

1. Колхоз ёки бошқа қишлоқ хўжалик кооперативи ўз фаолиятида ўзига биркитилган асосида ишлаб чиқариш воситаси — ердан, шунингдек бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланишини ҳамда сақланишини таъминлаши шарт ва бунинг учун тўла жавобгар бўлади.

Колхознинг ёки бошқа қишлоқ хўжалик кооперативининг айби билан экинзор ерлар ёмонлашган, тупроқ унумдорлиги пасайган, узоқ вақт мобайнида ер оборот

ЛОЙИҲА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи

СССРдаги кооперация тўғрисида ҚОНУНИ

(Давоми. Бошн 2-, 3-, 4-бетларда).

республиканинг Министрлар Совети, халқ депутатлари маҳаллий Советининг ижроия комитети колхозга ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативига ажратилган бундай экинзор ерларни ундан қисман ёки батамом олиб қўйишлари мумкин. Бунда олиб қўйилаётган ерларда колхоз ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик кооперативининг маблағлари ҳисобидан қурилган бинолар ва иншоотларнинг қийматигина қайтарилади.

Бошқа ҳолларда қишлоқ хўжалик ерларини олиб қўйиш чоғида ана шу ерларни олиб қўйиш муносабати билан кўриладиган зиённинг ўрни ер берилаётган корхоналар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан колхозга ёки бошқа қишлоқ хўжалик кооперативига тўлатўкис қопланади.

2. Экинзор ерлардан ва бошқа табиий ресурслардан яна ҳам самарали фойдаланиш мақсадида колхоз ёки бошқа қишлоқ хўжалик кооперативи зарур бўлган ҳолларда умумий йиғилишнинг қарори билан ўзи ер участкаларини ижарага олиш ёки уларни бошқа кооперативларга, давлат корхоналарига, шунингдек айрим гражданларга ижарага бериш ҳуқуқига эга. Ижара муддатлари ва шартлари шартномалар билан белгиланади. Ана шу ресурслардан фойдаланиш учун ижара ҳақи пул билан ҳам, натура ҳолида ҳам тўланиши мумкин.

3. Колхоз ёки бошқа қишлоқ хўжалик кооперативи атроф-муҳитнинг ҳолатига салбий таъсир ўтказиши мумкин бўлган хўжалик ички қурилиши объектлари (чорвачилик комплекслари, минерал ўғит ва заҳарли химикатлар омборлари ҳамда шу кабиларни) жойлаштиришни табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишиб олиши лозим.

33-м о д д а. **Колхоз ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативларнинг мулки**

1. Колхоз ёки бошқа қишлоқ хўжалик кооперативининг барча мол-мулки, шунингдек у етиштирган маҳсулот, олинган пул-маблағлари унинг мулки ҳисобланади.

Колхоз ўз аъзоларининг, бошқа корхоналар, ташкилотлар ҳамда гражданларнинг пул ва мол-мулк взносларини жалб этиш чоғида умумий йиғилишнинг қарорига биноан даромадлар ёки маҳсулотнинг бир қисмини ана шу взносларнинг миқдорларига пропорционал равишда тақсимлайди.

2. Колхоз ёки бошқа қишлоқ хўжалик кооперативи аъзоларининг ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилашдан манфаатдорлигини ошириш мақсадида йиллик ўсиш қийматининг ўз маблағлари ҳисобига янгидан тузилаётган асосий ишлаб чиқариш фондларининг бир қисми махсус счётга — колхоз ёки бошқа қишлоқ хўжалик кооперативи аъзоларининг пайчилик фондига ўтказилиши мумкин.

Шу фонднинг маблағлари колхоз ёки бошқа қишлоқ хўжалик кооперативининг аъзолари ўртасида тақсимланади ва уларнинг конкрет меҳнат ҳиссасига пропорционал равишда шахсий счётларига ўтказилади. Шу маблағларга ялпи даромаддан ҳар йили процентлар қўшиб борилади, бу процентларнинг миқдорини колхоз ва бошқа қишлоқ хўжалик кооперативининг умумий йиғилиши белгилайди. Кооператив аъзолари ҳар йили процентлар ҳолида оладиган даромадлар уларнинг шахсий счётларида жамғарилади ва кооператив аъзоларининг ўз ихтиёрича фойдаланилиши мумкин.

Пайчилик фондини тузиш ва ундан фойдаланиш тартибини колхоз ёки бошқа қишлоқ хўжалик кооперативининг Устави белгилайди.

3. Колхозни ёки бошқа қишлоқ хўжалик кооперативини тугатиш чоғида меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ҳисоб-китоблар ниҳоясига етказилгандан кейин ва колхозчилар ёки бошқа қишлоқ хўжалик кооперативи аъзоларининг шахсий счётларидан пайчилик фонди маблағлари тўлаб бўлингач, бюджет, банклар, акцияларнинг эгалари ва бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятлар адо этилгандан сўнг унинг мол-мулки тегишли колхозлар (бирлашмалар) кенгашининг қарорига биноан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши учун бошқа кооперативларга ва ўзга корхоналар (ташкилотлар)га берилади.

34-м о д д а. **Қишлоқ хўжалик кооперативи ва гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари**

1. Колхоз ёки бошқа қишлоқ хўжалик кооперативи кооператив аъзоларининг ва бошқа гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжалигини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади, уларга фойдаланиш учун ер участкаси беради, ерларга ишлов беришда, ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситалари, уруғлик ва кўчат, емхашак ва яйловлар билан таъминлашда,чорва моллари ва паррандаларга эга бўлишда, агротехника ва зооветеринария хизмати кўрсатишда, турар жой бинолари ва хўжалик иморатларини қуриш ҳамда ремонт қилишда, шунингдек етиштирилган маҳсулотни сотиш ва уни қайта ишлашда кўмаклашади.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларнинг кооперативлар билан муносабатлари уларнинг Уставлари ва шартномалари билан йўлга қўйилади.

Ер участкаларини бериш тартиби ва уларнинг миқдорларини, шунингдек гражданларнинг шахсий мулки бўлган чорва молни парвариш қилиш нормаларини халқ депутатлари қишлоқ ва поселка Советлари, колхоз ёки бошқа қишлоқ хўжалик кооперативи аъзоларининг умумий йиғилиши белгилайди.

2. Гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликлари колхоз ёки бошқа қишлоқ хўжалик кооперативининг ёрдамига таяниб, аввало, ўз эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштириши лозим. Шахсий ёрдамчи хўжалигига эга бўлган гражданлар етиштирилган маҳсулотни хўжаликлар, матлубот кооперацияси ташкилотлари, бошқа корхоналар билан тузилган шартномага мувофиқ ва бозорда сота оладилар.

3. Кооператив умумий йиғилишнинг қарорига биноан экинзор ерларни ижара пудрати шарти билан кооператив аъзоларига ва қишлоқ жойларида яшовчи бошқа гражданларга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ҳамда уларни шартномага мувофиқ колхозга, бошқа қишлоқ хўжалик кооперативига ёхуд матлубот кооперацияси ташкилотига сотиш учун узоқ муддатга бериб қўйишга ҳақлидир. Ер билан бирга бинолар, иншоотлар, машиналар, асбоб-ускуналар ҳамда шартнома мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган бошқа моддий бойликлар ҳам ижарага топширилиши мумкин. Колхоз ёки бошқа қишлоқ хўжалик кооперативи гражданларга отларни, бошқа иш ҳайвонларини, ихчам қишлоқ хўжалик техникасини улардан шахсий ёрдамчи хўжаликдаги ишларда ва шартнома асосидаги ишларни бажаришда фойдаланиш ҳуқуқи билан сотиши мумкин.

4. Қишлоқ хўжалик кооперативларининг аъзоларини қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш ҳамда чорва ва паррандаларни парвариш қилиш борасидаги ишларда қатнашишга яна ҳам кенгроқ жалб этиш мақсадида ёш болали аёллар, шунингдек қарилиги, инвалидлиги ёки бошқа узрли сабабларга кўра, ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол қатнаша олмайдиган кишилар шахсий ёрдамчи хўжаликда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва уларни колхоз билан тузилган шартномага мувофиқ реализация қилиш ишларига сарфлаган вақти кооператив Устави белгилалаган тартибда уларнинг умумий меҳнат стажига қўшилсин.

35-м о д д а. **Колхознинг сайлаб қўйиладиган вакилатли органлари**

1. Колхоз демократияси принципларига асосланиб, колхозлар турмуши ва фаолиятига оид жорий ҳамда перспектив масалаларни кўриб чиқиш, уларнинг иш тажрибасини умумлаштириш, тавсияларни ишлаб чиқиш ҳамда колхозларнинг давлат органлари ва жамоат ташкилотларида вакиллик қилишлари учун колхозларнинг сайлаб қўйиладиган органлари: колхозчиларнинг Бутуниттифоқ ва республика съездлари, колхозчиларнинг область, ўлка, республика (автоном республика) конференциялари, колхозлар вакилларининг район йиғилишлари ҳамда улар сайлайдиган тегишли колхоз кенгашлари тузилади ва иш олиб боради.

2. Колхозчилар Бутуниттифоқ съезди ҳар беш йилда камида бир марта чақирилади. Зарур бўлган тақдирда иттифоқ колхозлар кенгаши аъзоларидан камида учдан бир қисмининг талабига биноан колхозчиларнинг навбатдан ташқари съезди чақирилиши мумкин.

Колхозчилар Бутуниттифоқ съезди мамлакат агросаноат комплекси системасида колхозларнинг хўжалик аҳволини кўриб чиқади, колхознинг Намунавий Уставини, шунингдек колхоз тузумини ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларига доир бошқа норматив ҳужжатларни қабул қилади, ўзгартиради ва қўшимчалар киритади, колхозлар иттифоқ кенгашини сайлайди ва унинг тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди.

Колхозчилар Бутуниттифоқ съезди ва колхозлар иттифоқ кенгаши қонун лойиҳалари киритиш ҳуқуқига эгадирлар.

3. Район колхозлар вакилларининг йиғилишлари район агросаноат бирлашмалари кенгашларига ёки райондаги агросаноат комплексининг бошқа бошқарув органларига давлат, план, хўжалик органлари ҳамда бошқа органларда ўз манфаатларини ёқлаб вакиллик қилишни топширишлари мумкин.

4. Колхозлар ва уларнинг сайлаб қўйилган ваколатли органлари халқаро кооператив ташкилотларнинг фаолиятида қатнашишлари, Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатларнинг қишлоқ хўжалик кооперативлари ва бошқа корхоналари билан, шунингдек капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларнинг корхоналари ҳамда фирмалари билан савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар ўрнатиб, ҳамкорлик қилишлари ҳамда шу алоқалар ва ҳамкорликни ривожлантиришлари мумкин.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ХИЗМАТ СОҲАЛАРИДАГИ КООПЕРАТИВЛАР

36-м о д д а. **Кооператив фаолиятининг йўналишлари. Кооперативга аъзолик**

1. Ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларидаги кооперативлар аввало халқ истеъмол моллари тайёрлаш ва реализация қилишга ҳамда аҳолига хилма-хил пулли хизматлар кўрсатишга, шунингдек ишлаб чиқариш-техника аҳамиятидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишга, аҳоли, корхоналар ва ташкилотлар учун ишларни бажаришга ихтисослашади.

2. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, техника аҳамиятидаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ва аҳолига хизмат кўрсатишда қатнашишни истовчи барча гражданлар кооперативларга чеклашларсиз киришлари мумкин. Давлат корхоналаридан, ташкилотлар ва муассасалардан холи қилинаётган ходимлар, шунингдек пенсионерлар, инвалидлар, уй бекалари, студентлар, ўқувчилар кооперативга кириш устун ҳуқуққа эга бўладилар. Давлат корхоналари (бирлашмалари) ҳамда ташкилотларнинг ишчилари, илмий, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари асосий ишларидан бўш вақтларида белгиланган тартибда меҳнат шартномасига мувофиқ ёки кооперативларнинг аъзолари сифатида кооперативлар фаолиятида қатнашишига йўл қўйилади.

Кооперативга аъзолик гражданларнинг кооператив фаолиятидаги мажбурий меҳнат иштироки билан шарт қилиб қўйилган. Давлат кооперативларни тузиш ниқоби остида ёлланма меҳнатдан фойдаланиб, хусусий корчалонлик фаолияти учун кооперативлардан фойдаланиш ҳолларининг олдини олиш чораларини кўрмоқда.

Меҳнат шартномасига мувофиқ кооперативда ишга жалб этилаётган кишилар сони билан кооператив аъзолари сонининг нисбатини халқ депутатлари маҳаллий Советининг ижроия комитети кооперативнинг ижтимоий эҳтиёжини ва унинг фаолият турини эътиборга олиб, тартибга солиб туради.

Давлат якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи гражданларнинг кооперативларга бирлашувини рағбатлантиради.

3. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, «Фан-ишлаб чиқариш» циклини қисқартириш мақсадида давлат фан ва илмий-техникавий хизмат кўрсатиш, лойиҳа, инженерлик, конструкторлик, жорий этиш хизматлари ҳамда бошқа хизматлар соҳасида кооперативлар, товарлар, маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи ҳамда илмий кашфиётлар ва ихтиролларга ,шунингдек кашфиёт ва ихтиролар авторларининг ўзлари шу кооперативларнинг ишида шахсан қатнашишга асосланган кооперативларни ташкил этишни бутун чоралар билан рағбатлантиради ва уларни ривожлантиришга кўмаклашади.

4. Иши махсус билимлар ва кўникмаларни талаб этадиган кооперативларга зарур тайёргарликка эга бўлган, касб-кори жиҳатидан мос келадиган ва тегишли маълумот олган кишилар аъзо бўлишлари мумкин.

37-м о д д а. **Ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларидаги кооперативларнинг халқ депутатлари маҳаллий Советлари билан муносабатлари**

1. Кооператив аҳолининг талаб-эҳтиёжларига мувофиқ товарлар ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни кенгайтириш, уларнинг турларини ошириш ҳамда сифатини яхшилаш резервларини ва имкониятларини қидириб топиб ишга солишда, кооператив меҳнат коллективини социал ривожлантириш масалаларини ҳал этишда халқ депутатлари маҳаллий Советлари билан баҳамжиҳат ҳаракат қилади.

2. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари халқ истеъмол моллари тайёрлаш ва аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида давлат буюртмаларини бажаришда қатнашаётган кооперативларга, шунингдек инвалидларнинг меҳнатига асосланган кооперативларга биринчи навбатда ёрдам беради, мазкур кооперативларга бинолар ва моддий ресурсларни харид қилишда, улар аъзоларининг социал эҳтиёжларини қондиришда имтиёзлар беради.

3. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари халқ истеъмол молларини, шунингдек уларни тайёрлаш учун хом ашё ва материалларни улгуржи савдо қилувчи область ва республика ярмаркаларида кооперативларнинг фаол қатнашишларини рағбатлантиради.

4. Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари мазкур территорияда кооперативлар тармоғини кенгайтиришни рағбатлантириш чораларини кўра туриб, тегишли кооператив иттифоқлари (бирлашмалари) ва давлат бошқаруви органлари билан биргаликда айрим кооперативларнинг монополиялик тенденцияларига, нархларнинг сунъий равишда оширилишига, харидоргир маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишни ҳамда хизматлар кўрсатилишини чеклаб қўйишга иқтисодий методлар билан қаршилик кўрсатишлари, кооперативларнинг соғлом иқтисодий негизда ривожлантирилишига бутун чоралар билан кўмаклашишлари шарт.

38-м о д д а. **Ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларидаги кооперативларнинг маҳсулотини реализация қилиш**

1. Ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларидаги кооперативлар ўзлари тайёрлаган маҳсулотни аҳолига, давлат ва кооператив корхоналари ҳамда ташкилотларига мустақил равишда, шунингдек шартномалар асосида давлат ва кооператив чакана савдоси магазинлари орқали буюмлар тайёрланган жойда ҳам, шунингдек бошқа шаҳарлар ва районларда ҳам реализация қиладилар.

Кооператив реализация қиладиган маҳсулот ишлаб чиқариш маркасига ва товар белгисига эга бўлади.

Кооператив ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни мустақил реализация қилиш чоғида халқ депутатлари маҳаллий Советининг розилиги билан магазинлар, палаткалар, дўкончалар очиши, шу жумладан бир қанча кооперативларнинг пайчилик асосидаги иштироки билан уларни очиши мумкин. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари шу мақсадда кооперативга зарур биноларнинг ижарага берилишини таъминлайди.

2. Кооперативлар етиштирилган маҳсулотни аҳолига давлат ва кооператив савдосининг чакана савдо тармоғи орқали, шунингдек давлат ва кооператив корхоналари ҳамда ташкилотларга реализация қилган ҳолларда тузилган шартномалар бўйича ўз мажбуриятларининг бажарилиши учун амалдаги қонунларда кўзда тутилган тартиб ва шартларга мувофиқ жавоб берадилар.

Давлат ҳамда кооператив савдоси корхоналари ва ташкилотлари кооперативлардан улар тайёрлаган маҳсулотни комиссион асосларда аҳолига сотиш учун қабул қилишлари ва шу маҳсулот сотилишига қараб ҳақ тўлашлари мумкин.

39-м о д д а. **Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги кооперативлар аъзоларининг мулкий жавобгарлиги**

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги кооператив аъзолари кооперативнинг қарзлари бўйича кооператив Уставида кўзда тутилган тартибда, миқдорда ва шартларда жавобгар бўладилар.

40-м о д д а. **Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги кооперативлар тугатилган тақдирда улар мулкини сотиш ва тақсимлаш**

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги кооперативлар тугатилган тақдирда уларнинг бинолари, иншоотлари, машиналари ва ускуналари, жиҳозлари, хом ашё запаслари, материаллари, сотилмай қолган тайёр маҳсулотлари ва кооперативнинг мулки ҳисобланган бошқа мол-мулк давлат ҳамда кооператив корхоналарига, ташкилотларига, шунингдек, гражданларга шартнома нархларида сотилади.

Кооператив мол-мулкини сотишдан тушган пуллар ва уларнинг пул маблағлари бюджет, банк, бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятлар бажариб бўлингач ҳамда кооперативда меҳнат шартномаси асосида ишловчи шахслар билан улар меҳнатига ҳақ тўлаш юзасидан ҳисоб-китоблар қилингач, кооператив аъзолари ўртасида шу кооператив Уставида кўзда тутилган тартибда ва шартларда тақсимланади.

МАТЛУБОТ КООПЕРАТИВЛАРИ

41-м о д д а. **Муомала соҳасидаги матлубот кооперациясининг хусусиятлари.**

1. Муомала соҳасидаги матлубот кооперациялари ва шу соҳага боғлиқ тарзда товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи матлубот жамиятлари ихтиёрий равишда иттифоқлар (бирлашмалар)га бирлашган ҳолда матлубот кооперацияси системасини вужудга келтирадилар ва сайлаб қўйиладиган ўз ваколатли органларини тузишлари мумкин.

2. Матлубот кооперацияси системасининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

қишлоқлар ва шаҳарларда чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналари шохобчаларини тузадилар ва ривожлантирадилар, давлат савдо корхоналари ва ташкилотлари билан бир қаторда ўз аъзоларини ҳамда хизмат қилувчи аҳолини ўз ишлаб чиқаришидаги озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари билан, шунингдек, ишлаб чиқариш кооперативлари, давлат корхоналари ва гражданлардан сотиб олинадиган товарлар билан ҳамда давлат бозор фондларидан олинадиган товарлар билан таъминлайдилар;

аҳолидан, колхозлар ва совхозлардан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёси, ёрдамчи корхоналар ва ҳунармандчилик буюмлари, ёввойи мевалар, резавор мевалар ва қўзиқоринлар, доривор техника хом ашёлари сотиб олиб, уларни қайта ишлайдилар ва чакана савдода реализация қиладилар, шунингдек, саноатга етказиб берадилар;

Харид қилинадиган қишлоқ хўжалик хом ашёси ва бошқа маҳаллий хом ашёдан озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат моллари, шунингдек марказлашган тартибда давлат томонидан ажратиладиган ва чакана савдо тартибида сотиб олинадиган хом ашё ҳамда материалларни ишлаб чиқаришни ташкил этадилар;

аҳолига ишлаб чиқариш ва рўзғор ишларида ҳар хил хизмат кўрсатадилар.

3. Матлубот кооперацияси товарлар билан гарантияли тарзда таъминлаш, хизмат кўрсатиш ва ўз аъзоларини иш билан таъминлаш, шунингдек ҳам қишлоқ, ҳам шаҳар жойларидаги аҳолига хизмат қилишни таъминлашга қаратилган ўз асосий вазифаларини бажариш учун матлубот кооперацияси системасида саноат (ҳунармандчилик), қурилиш, транспорт ва ишлаб чиқаришнинг бошқа турларига оид кооперативлар тузилиши, шунингдек ишлаб чиқариш ҳамда меҳнатни ташкил қилишни давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунида кўзда тутилган принциплардан фойдаланиш асосида амалга оширадиган корхоналар ҳам ишлаши мумкин.

4. Матлубот жамиятлари аъзолари кооператив магазинларидан товар сотиб олишда афзалликларга эга бўлиш ҳуқуқидан фойдаланадилар. Бу ҳуқуқ уларнинг ёрдамчи хўжаликларида ва ҳунармандчилик ишларида тайёрланган маҳсулотлар юзасидан тузилган шартнома асосида маҳсулот тайёрловчи ва савдо қилувчи матлубот кооперацияси ташкилотлари ҳамда корхоналари орқали гарантиялаб қўйилган бўлади, шунингдек улар мазкур магазинлар хизматидан, ҳамда матлубот кооперацияси системасида иш билан таъминланиш соҳасида афзалликка эга бўлиш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

5. Матлубот жамияти тугатилган тақдирда меҳнатга ҳақ тўлаш юзасидан ҳисоб-китоблар қилиб бўлингач, ва бюджет, банклар ҳамда бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятлар бажарилгач, шу жамиятдан қолган мол-мулк мазкур матлубот жамияти таркибида бўлган кооператив иттифоқ (бирлашма)га топширилади.

42-м о д д а. **Қишлоқдаги матлубот кооперацияси**

1. Ўз фаолиятини қишлоқларда олиб борувчи матлубот кооперацияси системаси ташкилотлари ва корхоналари шартнома асосларида колхозлар, агросаноат комплексига тегишли бошқа корхоналар ҳамда ташкилотлар билан экономикани ривожлантириш, қишлоқ регионларини товарлар, ишлар ва хизматлар билан таъминлаш, қишлоқни социал жиҳатдан қайта қуриш борасида фаол ҳамкорлик қиладилар.

Шу мақсадда матлубот кооперацияси қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёсини тайёрлаш ҳамда қайта ишлашнинг моддий-техника базасини кенгайтиради, ўз фаолиятини аҳолига ва қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариладиган жойларга энг кўп даражада яқинлаштиради, тайёрлов, қайта ишлов ва савдо хизмати кўрсатиш юзасидан комплекс система яратади, бу эса шахсий ёрдамчи хўжаликларга эга бўлган қишлоқ меҳнаткашларига ва бошқа гражданларга ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўз жойида сотиш ва зарур товарлар сотиб олиш имконини беради.

2. Агросаноат комплекси корхоналари ва ташкилотлари бевосита колхозлар ва совхозларда тайёрлов-қайта ишлаш корхоналари тузишда, ҳисса қўшиш асосида чакана савдо, умумий овқатланиш ва маданий-маиший объектлар қуришда матлубот кооперацияси ташкилотлари билан биргаликда самарали ҳамкорликни таъминлайдилар.

Қишлоқлардаги матлубот кооперацияси ташкилотлари халқ истеъмоли моллари, ишлаб чиқариш-техника аҳамиятига молик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, иш юритиш ва хизматлар кўрсатиш юзасидан ҳар хил ишлаб чиқариш, транспорт, қурилиш корхоналари ва бошқа корхоналар тузишлари мумкин.

43-м о д д а. **Шаҳарлардаги матлубот кооперацияси**

1. Шаҳарларда аҳолини товарлар (ишлар, хизматлар) билан таъминлашни яхшилаш манфаатлари йўлида ижтимоий хўжалик фаолиятининг ҳамма соҳаларида давлат корхоналари ва ташкилотларига қўшимча тарзда матлубот кооперацияси системасига кирувчи ҳар қандай турдаги кооперативлар тузилиши мумкин.

2. Шаҳарлардаги матлубот кооперативлари мустақил равишда ҳам, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ҳузурида ҳам ташкил этилади.

3. Саноат, қурилиш ва бошқа корхоналарда, ташкилотларда ҳамда муассасаларда умумий овқатланиш кооперативлари тузилиб, уларда мазкур кооперативлар шу корхоналарнинг, ташкилотларнинг ва муассасаларнинг коллектив аъзолари сифатида қатнашишлари мумкин.

Ана шу умумий овқатланиш кооперативларини озиқ-овқат ресурслари билан таъминлаш ҳамда корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг меҳнат коллективларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш мақсадида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи, тайёрловчи ва қайта ишловчи кооперативлар тузилиши мумкин.

4. Ана шундай кооперативлар тузиладиган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ўз ходимларига — кооперативлар фаолиятида асосий ишдан бўш вақтларида ўзларининг шахсий меҳнатлари билан қатнашувчи мазкур кооперативлар аъзоларига имтиёз ва афзалликлар берадилар.

44-м о д д а. **Матлубот жамияти аъзолигига қабул қилиш**

1. Матлубот жамияти аъзолигига қабул қилиниш учун гражданларнинг шу жамият фаолиятида албатта меҳнат қилиш йўли билан қатнашишлари шарт эмас. Матлубот жамияти аъзолари кириш взноси ва пай взноси тўлайдилар.

Матлубот жамияти аъзолигидан чиққан тақдирда унинг аъзосига тўлаган пай взноснинг ҳаммаси қайтариб берилади ва жамият тақсимлайдиган даромад (фойда)нинг тегишли қисми тўланади.

Матлубот жамияти аъзосининг кириш взноси қайтариб берилмайди.

Матлубот жамияти аъзоси ўзи тўлаган пай взноси доирасидаги мажбуриятлари юзасидан жавобгардир.

2. Матлубот жамиятларига гражданлар билан бир қаторда маҳсулот, товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи кооперативлар, бошқа корхоналар ва ташкилотлар ҳам коллектив аъзолар сифатида кириши мумкин.

Матлубот жамиятининг коллектив аъзоси хўжалик мустақиллигига, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиб, ўз фаолиятида ўзининг Устави (Низоми)га амал қилади. У мустақил мулкий жавобгарликка эгадир. Матлубот жамияти ўз коллектив аъзоси мажбуриятлари юзасидан жавобгар эмас, коллектив аъзо эса тўлаган пай взноси доирасида мазкур жамият мажбуриятлари юзасидан жавобгардир.

Матлубот жамияти билан унинг коллектив аъзоси ўртасидаги ўзаро хўжалик муносабатлари шартнома асосларида юритилади. Коллектив аъзонинг мулкий ҳуқуқларига дахлдор бўлган ҳар қандай қарор фақат унинг розилиги билангина қабул қилиниши мумкин.

3. Меҳнат коллективларининг иқтисодий самарадорлиги ва моддий манфаатдорлигини ошириш, савдо, умумий овқатланиш, саноат, тайёрлов ва қурилиш корхоналари фаолиятида демократик асосларни кенгайтириш мақсадида матлубот кооперацияси системасида иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ, деб топилган ҳолларда матлубот кооперацияси системасида, шу жумладан коллектив ва оилавий пудрат асосида иш кўрувчи корхоналар базасида тегишли кооперативлар тузилиши мумкин.

45-м о д д а. **Матлубот кооперацияси товар ресурсларини ярашиш**

1. Товар ресурсларини кўлайтириш мақсадида матлубот жамиятлари ва уларнинг иттифоқлари (бирлашмалари):

товар ишлаб чиқарувчи кооперативлар ва якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи гражданлар тайёрлаган, шунингдек давлат корхоналари ишлаб чиқараётган маҳсулотлар билан бевосита боғланиш асосида тайёрланган буюмларни чакана товар оборотига жалб этадилар;

ўз бўрдоқичилик ва бошқа ёрдамчи хўжаликларини, шунингдек кооператив саноат корхоналарида озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни ривожлантирадилар;

қишлоқ жойларда чорва, парранда, қуён етиштириш ва уларни бўрдоқига боқиш, сабзавот, мева ва резаворлар етиштириш борасида, шунингдек бу маҳсулотларни шартнома асосида матлубот жамиятларига етказиб бериш учун дастлабки тарзда қайта ишлаш билан шуғулланувчи кооперативлар гражданларнинг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ривожлантиришга кўмаклашадилар. Шу мақсадда матлубот жамиятлари шартнома асосида уларга омихта ем, зарур техника ва улар фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа моддий-техника ресурслари ажратадилар;

товар оборотига маҳаллий қурилиш материаллари ресурсларини кенг жалб этадилар.

2. Матлубот жамиятлари ва уларнинг иттифоқлари (бирлашмалари) шартнома асосларида давлат фондларидан ажратиладиган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат товарларни чакана савдо орқали сотиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёсини харид қилиш, шунингдек айрим турдаги халқ истеъмоли молларини давлат буюртмаси шартларида ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришни ҳам ўз зиммасига олишлари мумкин.

3. Матлубот кооперацияси ташкилотлари ва корхоналари давлат корхоналари, ташкилотларидан, бошқа кооператив, жамоат ташкилотлари ва гражданлардан, шунингдек ўз ёки давлат чакана савдо шохобчаси орқали нақд пулга ҳам, пул тўламай ҳам халқ истеъмоли моллари, хом ашё, ёқилғи, материаллар, кичик ҳажмдаги ускуналарни, запас қисмлар, инструментлар, ярим фабрикатлар ва бошқа буюмларни улгуржи савдо тармоғида сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар. Чакана савдо шохобчасида товарлар халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари белгилаб қўядиган рўйхат бўйича сотиб олиниши мумкин.

46-м о д д а. **Матлубот кооперацияси корхоналари ва ташкилотлари маҳсулотлари ҳамда хизматларининг нархлари ва тарифлари**

1. Матлубот жамиятлари, уларнинг иттифоқлари (бирлашмалари ўзи мустақил равишда ёки истеъмолчи билан шартлашиб олган ҳолда:

ўз савдо шохобчасида сотиладиган, шунингдек истеъмолчи корхоналар ва ташкилотларга — аҳолидан, колхозлар ва совхозлардан шартномада кўрсатилган баҳоларда сотиб олинадиган, ўз ёрдамчи хўжаликларида етиштирилган ҳамда уларнинг ўзлари мустақил равишда тайёрлаб сотадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёси, шунингдек бу маҳсулотлар ва хом ашёдан тайёрланган буюмлар нархини;

кооператив корхоналари ишлаб чиқарадиган халқ истеъмоли, саноат товарлари, умумий овқатланиш корхоналари ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар ва улар бажарадиган иш ҳамда кўрсатадиган хизматларга оид тарифлар нархини белгилаш ҳуқуқига эгадирлар.

2. Матлубот жамиятлари ўз аъзоларига уларга сотиладиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун белгиланган чакана нархларни камайтириш шаклида, шунингдек товарларни кредитга олишда енгилликлар беришлари мумкин. Бу афзаллик ва енгилликлар матлубот кооперацияси корхоналари ишлаб чиқариш, савдо ва бошқа фаолият соҳасида олган даромадлар (фойдалар) ҳисобидан берилади.

47-м о д д а. **Кооперативларнинг ўз аъзолари уй-жойманший эҳтиёжларини қондириш соҳасидаги фаолияти**

1. Гражданлар ўз уй-жойманший эҳтиёжларини қондириш учун ихтиёрий равишда уй-жой қуриш, гараж қуриш, дала боғлари қуриш кооперативлари, якка тартибда иморат қурувчилар ширкатлари, бошқа хил матлубот кооперативлари тузишлари мумкин.

Бу кооператив ва ширкатлар фаолиятининг асосий йўналиши кооператив мулки (уй-жойлар, гаражлар ва шу кабилар) объектларни қуриш ҳамда ундан кейин улардан фойдаланиш, уставларда кўзда тутилган ҳолларда эса кооператив (ширкат) аъзоларининг шахсий мулки объектларини қуриш ва улардан фойдаланишда пул маблағлари ажратиш йўли билан қатнашишдан, шунингдек кооператив (ширкат) аъзоларига уларни тузишдан кўзланган мақсадларга мувофиқ хизмат кўрсатишдан иборатдир.

2. Давлат ва кооператив корхоналари ҳамда ташкилотлари якка тартибда иморат қурувчи ширкатларга уй-жойлар барпо этишда, қурилган иморатлар территориясини ободонлаштиришда ҳар томонлама ёрдам кўрсатадилар, шунингдек якка тартибда иморат қурувчилар ва умуман ширкатлар ўз бўйнига оладиган харажатларнинг бир қисмини қоплашлари мумкин.

3. Ўз аъзоларининг уй-жой-манший эҳтиёжларини қондирувчи кооперативлар кооператив аъзолари талабэҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган, умумий мулк ҳуқуқи асосида мазкур кооператив ва давлатга,"кооператив ва колхозга ёки бошқа кооператив ва жамоат ташкилотига тегишли бўлган объектларни қуриш ва фойдаланишга топириш қатнашиш учун ҳамда давлат, колхоз, бошқа кооператив ва жамоат мулки бўлган объектларни фойдаланишга топириш учун тузилиши мумкин.

4. Кооператив фаолиятини олиб бориш учун зарур бўлган ишлар кооперативнинг мазкур кооператив аъзолари билан ҳам, бошқа гражданлар, корхоналар, ташкилотлар билан ҳам тузилиши мумкин бўлган шартномалар асосида бажарилади. Кооператив аъзолари ишларни шу кооперативга аъзолик муносабатлари асосида бажаришлари мумкин.

48-м о д д а. **Боғдорчилик ва боғ-полизчилик ширкатлари**

1. Боғдорчилик ва боғполизчилик ширкатлари кооперация системасининг таркибий қисмидир. Улар меҳнаткашларнинг дам олиши, ўз соғлиқларини мустаҳкамлаши учун, ёшларни меҳнатга жалб этиш учун шароитлар яратиб беради, кооператив аъзоларига уларнинг шахсий истеъмоли учун ҳамда сотиш учун маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кўмаклашади.

2. Давлат, кооператив ва бошқа корхоналар ҳамда ташкилотлар боғдорчилик ва боғ-полизчилик ширкатларига мазкур ширкатларнинг маблағлари ҳисобидан шартнома асосларида қурилиш ишлари, мелиорация ишлари олиб бориш, участкаларни ободонлаштириш, ерларга ишлов бериш, агротехника хизмати кўрсатиш ва бошқа ишларни бажаришда ёрдам берадилар

Оқшом файзи

Дам олиш саҳифаси

Касбинг—фахринг

УМР БЕЗАГИ

— Ўрта бўйли, истараси иссиқ киши қишлоқ кўчасидан юриб бораркан, икки қаватли мактаб биноси олдига келгач, бироз ўйланиб турди-да, сўнгра ичкари йўналди. Шу пайт унинг хаёлидан нималар ўтди экан? Балки болалик йилларини эслагандир. Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги туфайли қурилган шинам маърифат маскани учун дилдан қувонгандир?

...Одатига кўра бугун ҳам ишга эрта келган Рўзи ака ҳамкасблари билан саломаликлашди-да, синфга кирди.

— Салом, болалар!

— Салом!

— Бугун ким навбатчи?

— Мен, — ўрнидан турди Акрам.

— Қани, кимлар келмаган?

Навбатчи тез жавоб берди:

— Ҳамма келган.

— Яхши, ўтир. Хўш, ўтган сафар нима ҳақда суҳбатлашгандик?..

Нишон районидаги Собир Раҳимов номли мактаб ўқитувчиси Рўзи Сафаров 34 йилдан буён ёш авлодни тарбиялаш йўлида ҳормай-толмай ишлаяпти. Шу боис мактаб педагоглар коллективи, ёшлар уни чексиз ҳурмат қилишади.

— Менда ўқитувчиликка ҳавас эрта уйғонди, — дейди Рўзи ака. — 1953 йили ўрта мактабни тугаллаб, ўқитувчилик қила бошладим. 1956 йилда эса Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтига ўқишга кирдим. Уни муваффақиятли тугаллаганимдан кейин яна жонажон мактабимга қайтдим...

Рўзи ака ўз бахтини ҳалол меҳнатдан топди. У ишлаётган мактабда 460 нафар ўғил-қиз таълим олаяпти. Айниқса янги замонавий бино битказилгандан сўнгги ўзгаришлар ўқувчилар қалбини қувончга тўлдирди. Дарслар кўргазмали қуроллар билан жиҳозланган кабинет системасида ўтказила бошланди.

— Рўзи Сафарованинг фаолияти педагогларимиз учун ибратли, — дейди мактаб директори Эркин Уролов. — Улар устоздан кўп нарсани ўрганмоқдалар. Шу ўринда коллективимиз умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари бўйича бир мунча ибратли ишларни амалга ошираётганлигини таъкидлаш жоиз. Ҳар бир дарснинг мазмунли, қизиқарли ўтиши таъминланмоқда. «Очиқ дарс»лар мунтазам ўтказилаётир. Педагоглар ўртасида бир-бирлари билан фикр алмашиш, дарс таҳлилида фаол қатнашиш йўлга қўйилган.

Моҳир муаллим — Рўзи ака оилада меҳрибон ота. Унинг олти нафар фарзанди жамиятимизнинг муносиб кишилари бўлиб етишди. Холбиби ва Ойимхол — ишчи. Камол — «ВЛКСМ XVIII съезди» совхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи. Бибихон ота изидан бориб, ёш авлод тарбияси йўлида меҳнат қилмоқда. Қолганлари ўқувчилар.

Жонкуяр ўқитувчининг меҳнатлари муносиб тақдирланган. Кўксини «Меҳнат ветерани» медали безаб турибди. У район ва область халқ маорифи бўлимларининг фахрий ёрлиқлари билан бир неча бор мукофотланган.

Беминнат меҳнати туфайли эл орасида обрў топган тажрибали педагогнинг ҳаёти ана шундай сермазмун. Бугунги кунда унинг таълимини олган собиқ талабалар етук кишилар бўлиб етишиб, эл-юрт фаровонлиги йўлида хизмат қилмоқдалар.

Ш. СУЛТОНОВ.

Табиат ҳодисалари

КЎЧКИ

Табиатнинг буюк эҳсонлари кўп. Шунга яраша ҳалокатли ҳодисотлари ҳам оз эмас. Кўчки, сел, дўл, энзила шулар жумласидан. Улар нақадар даҳшатли, вайронали эканлигини бошига тушганларгина биладилар.

Тоғли жойларни деярли йил давомида, хусусан баҳору ёз пайтларида кўчкисиз тасаввур этиб бўлмаганидек, теп-текис дашту чўлларда эса уни қатто кўз олдингизга келтиришингиз қийин.

Кўчки, сел, тошқин инсон қудратини имтиҳондан ўтказади. У февраль-мартда кузатилади. Бироқ Грузияда ўтган йили январь ойидаёқ юз берди. Демак, бу ҳодиса тоғликларни ҳамиша хавф-хатарда ушлаб туради.

Табиатнинг буюк саховати кўп,

Аммо кам эмасдир ҳалокати ҳам.

Кўчки-ю шиддатли селлари бордир,

Ҳар ёқни ўпирар тошқинлари ҳам!

Кўчки ҳодисаси, чунончи, «Ўзбек совет энциклопедияси»да шундай тавсифланган:

«Тоғларда ва уларнинг ёнбағирлари юқори қисмида тўпланиб қолган қорларнинг гоҳ-гоҳ шиддат билан пастга отилиб тушишига «кўчки» ёхуд яқўчма» дейилади. Аслида қат-қат тўпланиб қолган қорлар кристаллаша боради ва қаттиқ совуқдан торяди. Натижада қатламлар оралиқларида бўшлиқлар пайдо бўлади. Шунда бирон-бир ташқи механик таъсир, кучли садо туфайли ёхуд қатламлар тегиндги қор эриганда айни шундай ҳодиса юз беради».

Тарихда «Ахси», «Ахсикет» деб аталувчи Асака шаҳри кўчки-ю селдан вайрон бўлиб кетганидан кейин Бобур ўз пойтахтини Асакадан Андижонга кўчирган.

Даҳшатли кўчкилардан бири «Бобурнома»да мана бундай битилган:

«Хитой карвони кела турганда Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг тубида минг уйлик (кишилик — **Р. Ж**) карвонни андоғ қор босдиким, улардан ёлғиз икки киши қутулди...».

М. Ҳошимовнинг 1986 йили нашр этилган «Замин ҳаракатга келганда» деган китобчасида Ўрта Осиёда рўй берган баъзан кўчки аралаш энзилалар жадвали берилган. Шу жадвалга кўра XIX асрда бу ерлардаги халқлар 57 бор ана шундай фалокатларга дучор бўлишган.

Хуллас, эндиликда ҳамма соҳада ҳар қачонгидан кўпроқ, теранроқ фикр юритилаётган экан, аминмизки, кўчкию сел йўлини тўсишга доир эҳтиёт чораларини кўришга ҳам катта эътибор берилади.

Ҳа, табиатнинг эҳсонлари ҳам, фалокатлари ҳам кўп. Инсон ҳаммасига донмо шай туриши даркор.

Р. ЖУМАНИЕВ.

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

ЗИЁКОР

— Ҳар бир касбнинг ўз қийинчиликлари, мураккабликлари билан бирга фахрли томонлари ҳам бор, — дейди Свердлов районидаги 13-кутубхона мудираси Мастура Бўронова. — Яқинда кутубхонамизда «Меҳнатдан бахт топганлар» мавзуида кеча ташкил этдик. Унга турли касб эгалари ташриф буюришди, ўз ихтисосликлари ҳақида фахрланиб ҳикоя қилиб беришди. Уларни тинглаб ўтириб, яқин сирдошларим — нурхонамиз китобларини ўқувчиларга тавсия этиб, одамларга қўлдан келганча зиё тарқатаётганимдан қалбим қувончларга тўлди.

Мастура бошқараётган қишлоқ кутубхонаси фондида мингга яқин китоб бор. Мудира уларнинг деярли ҳаммасини номма-ном билади, десак сира муболаға бўлмайди. Чунки қачон бирор адабиёт сўрасангиз, зумда хизматингизни бажо келтиради. Шу боисдан ҳам райондаги бошқа кутубхоналарга қараганда бу ер ҳамиша китобсеварлар билан гавжум. Шунингдек, Мастуранинг ташкилотчилиги туфайли дала шийпонлари, ўрта мактабларда тез-тез тематик кечалар, бадиий асарларга бағишланган конференциялар ўтказиб турилади.

Айниқса Ҳамид Ғуломнинг «Мангулик» ҳамда Лола Тожиеванинг «Меҳрим сизга, одамлар» асарлари муҳокама қилинган конференциялар ниҳоятда қизиқарли ўтди.

А. ШОДИЕВ.

ШИФОКОРЛАР ОИЛАСИ

Забида опа эл саломатлиги йўлида ишлай бошлаганига 30 йилдан ошди. Ҳозир у Янгийўл районидаги Ниёзбоши қишлоқ участка шифохонасида ҳамшира. Кўпмингкишилик қишлоқ аҳолиси тиниб-тинчимас, қўли енгил шифокор қабулидан ҳамиша кўнгли тўлиб чиқади. Опанинг турмуш ўртоғи Тўхтасин Ҳусанов ҳам врач. Уларнинг ўз касбларига бўлган меҳрлари фарзандларини ҳам шифокор бўлишга даъват этди. Қизлари Гулнора ва Гулчеҳра оналари каби медицина ҳамшираси бўлиб ишлашаяпти. Кичик қизлари Феруза эса райондаги Ҳ. Олимжон номли 13-ўрта мактабининг 9-синфида ўқийди. Унинг ҳам мақсади — ҳамшира бўлиш, ота-онаси ва опалари сингари эл-юрт саломатлиги йўлида хизмат қилиш.

Ш. АБДУТОЛИПОВА.

Жиззах область Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхоз маданият уйининг кутубхонаси доим гавжум. Бу ерда 8.500 дан зиёд турли адабиётлар мавжуд. Хўжалик меҳнаткашларидан 500 киши унга аъзо бўлган. Зиё масканида ҳар хил адабий кечалар ва мушоиралар мунтазам ўтказиб турилади.

СУРАТДА: (чапдан) Хурсандой Жўраевага кутубхона мудираси Нодира Қувноқова (ўнгда) китоб танлашда ёрдамлашмоқда.

У. ҚУШВОҚОВ фотоси.

АЛМАШЛАБ ЭКИШ

ИНТЕРМЕДИЯ

Қўлида микрофон ушлаган мухбир колхоз раисининг маданият ишлари бўйича ўринбосари Жуманазар ОЛЛОҚОВ ёнига яқинлашади.

МУХБИР: — Азиз радио тингловчи ўртоқлар! Биз далаларни айланиб юриб, ўртоқ Оллоқовни учратиб қолдик. Ундан колхоз маданий ҳаёти ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

ОЛЛОҚОВ: — Ассалому алайкум, ҳурматли радиотомошабин ўртоқлар. Колхозимиз меҳнаткашлари кечани-кеча, кундузни-кундуз демай меҳнат қилиб, бор имкониятлардан фойдаланиш ниятида объектив ва субъектив иложларни агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда, барча механизациялашган...

МУХБИР: — Кечирасиз, Жуманазар ака, кўпроқ колхозингиздаги маданий ишлар тўғрисида гапирсангиз!

ОЛЛОҚОВ: — Майли, колхозимиздаги маданий ишлар тўғрисида гапираман.

МУХБИР: — Улар қандай йўлга қўйилган?

ОЛЛОҚОВ: — Яхши йўлга қўйилган. Айниқса пудратчиларга ёрдам беришни ташкил қилиш жуда катта ютуқларга ундамоқда...

МУХБИР: — Яна кечирасиз, маданий аҳвол тўғрисида гапирсангиз. Масалан хонадонларда холодильник, телевизор ва енгил машиналар борми?

ОЛЛОҚОВ: — Майли, энди мен сизга маданий аҳвол тўғрисида гапираман. Масалан хонадонларда телевизор, холодильник ва енгил машиналар бор. Ҳозирча колхозимизда яшовчи ҳар уч хонадоннинг биттасида енгил машина бор. Ўнта оила эса шу яқин кунлар ичида машина олишни мўлжаллаб қўйган. Менга эса ҳурматли раисимиз: «Агар емхашак планини бажарсанг, сенга ҳам «06» мотори билан «Жигули» тўғрилаб бераман», — деганлар. Планни аллақачон бажарганман...

МУХБИР: — Ҳа, дўстлар, машина яхши нарса, чунки у шаҳар маданиятини қишлоққа тез олиб келишда ажойиб воситачилик ролини ўйнайди. Айтингчи, Жуманазар ака, колхозчилар бўш вақтда нима билан шуғулланишади?

ОЛЛОҚОВ: — Колхозчилар бўш вақтда жуда кўп ишлар билан шуғулланишади. Масалан, ферма ва боғ ишларига ёрдам...

МУХБИР: — Кино ва концертларга боришадими?

ОЛЛОҚОВ: — Ҳа боришади. Масалан, пахта йиғим-теримидан олдин Бика опа ҳовлисида кўрсатилган ҳиндча фильмдан руҳланган колхозчилар эртаси куни беш тоннадан ортиқ емхашак тайёрлашга эришишди. Яхши ўт ўрувчи қизларимиздан Амина Дурдиева...

МУХБИР: — Ҳозир нима иш билан шуғулланаяпсиз?

ОЛЛОҚОВ: — Ҳозир колхозда алмашлаб экишни тўғри йўлга қўяяпман.

МУХБИР: — Маданият-чи?

ОЛЛОҚОВ: — Маданият алмашлаб экиш тўғри йўлга қўйилгач, албатта бўлади!

МУХБИР: — Йўқ, ўртоқ Қолоқов, олдин сизни ва сизга ўхшаш ўринбосарларни алмашлаб экмоқ даркор!

ОЛЛОҚОВ: — Нима?!...

Йўлдош СОТИМОВ.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ!

ТЎРТ ОЕҚЛИ ЁРДАМЧИ

Ровеншчинадаги Вильгир қишлоғида истиқомат этувчи Александр Марчукнинг тўрт оёқли ёрдамчиси бор. Бу ит ҳам, мушук ҳам эмас, балки ёввойи чўчқадир.

Марчук уни ўрмондан чалажон ҳолда топиб, уйига олиб келди. Ёш тўғриз нимани беришса, тортинмай паққос тушириб, тез ўса бошлади. Унга айниқса қанд ёқиб қолди. Онла аъзоларн ёввойи ҳайвонга кўниқишди. Жонивор ҳам уларнинг барчасига ўрганиб қолди. У Александр Марчук орқасидан худди ит каби эргашиб юради. Ёш тўғриз соҳиби магазинга ёки танишларникига кирса, уни кўчада сабрсизлик билан кутади.

Орадан кўп ўтмай у катта бўлди. Шунинг учун ўрмонга олиб бориб, қўйиб юборишга қарор қилдилар. Аммо тўғриз уйга қайтиб келиб, онла аъзоларини ҳайратга солди. Шу тариқа ёввойи чўчқа хонакилашиб, ҳовлида яшамоқда.

ЖЕНЬШЕНЬ РАҚИБИ

«Орбита» ҳафталиги нинг (Болгария Халқ Республикаси) хабар беришича, Вьетнам халқ медицинаси илмий марказида «вин ланг» деган ўтни оммавий ўстириш усули ишлаб чиқилди. Унинг илдизларидан олинган қайнатма барча фойдали ўсимликлар «қироли» — женьшень билан рақобатлаша олади. Аммо «вин ланг»нинг афзал томонлари бор — унчалик «қайсар» эмас, ҳар қандай тупроқда ўсаверади ва алоҳида парваришни талаб этмайди.

ГИШТ... ПОЧТА ОРҚАЛИ

АҚШда нарсаларни почта орқали юбориш қулай ҳисобланади. Аляскадаги Чал-Риверс шаҳрида Айова штатидаги Внуки шаҳрига кўчиб кетаётган Лайла Смит деган аёл ўз буюмларини турли катталикдаги саксонта қутичага жойлаб, почта орқали жўнатишни лозим топди. Лекин бу яккаю ягона ҳодиса эмас. 1916 йилдаёқ бир саноатчи ўзига қарашли заводда ишлаб чиқарилган маҳсулот — қирқ тонна гиштни шундай йўл билан юборган экан.

АБДУТОШ

Фельетон

Қарғалар қағилласа—қордан дарак,
Кўйчибон бошгинасин этгай сарак.
Абдутош қўнди амал бутоғига,
Воҳ, дод-е, терс айланиб чархи фалак.
Қанча бор теграсида фаҳми хамак,
Абдутош эчкисини дегай амак.
Қурт тушди азим дарахт мағзига, вой,
Кўзгудек тиниқ сувлар ўрнида лой.
Абдутош уруғидан бўлса басдир,
Хўтик ҳам ардоқланур аталиб той.
Бош билан ўрнини алмашди пой,
Абдутош комидадир нишаби мой.
Сўрадир хўжаликни мисли зулук,
Тўюлиб ҳар сўрганни тоти чучук.
Ниҳоний бир балоси бўлмаса гар,
Бўлмасди калонполар кўзи юмуқ,
Гўёки улар бармоқ, будир узук,
Абдутош муриддиру улар бузрук.
Бўлур гум кўз қирида не-не буюм,
Эл ризқин ўмармаклик ота удум.
Ўзи хон, қўланкаси майдондир-е,
Билмадим, бадномларга эканми дум.
Қилса ким айбларини гар такатум,
Сепадир пайтни топиб кўзинигга қум.
Сиртидан—чўп олмагай қўй оғзидан,
Сўйласа—мушак таралур овозидан.
Домига илинса қай сочи узун,
Фарқ этмас никоҳдаги таннозидан.
Сўлдилар не-не гуллар аёзидан,
Сўнгандек ўқ тегса қуш парвозидан.
Рак мисол илдиз отмиш бу беҳаё,
Дерларки, беҳаёга ҳар кун сафо.
Бўлмаса жарақ-жарақ пора қалқон,
Қочармиш миниг бор нари ундан жазо.
Яшаркан пора отлиг кони бало,
Яшайдир Абдутош бир амирнамо!!!

Ямин ҚУРБОН.

КРИПТОГРАММА

Азиз газетхонлар! Ушбу криптограммада XV асрнинг биричи ярмида яшаб, ижод этган ўзбек шоири Сайид Қосимий қаламига мансуб ахлоқ-одобга чорловчи тўрт мисра яширинган. Уни тўғри ўқишга ҳаракат қилинг.

I. 2. 21. 14. 6. 8. — Ешларнинг ойлик журнали.

II. 11. 9. 16. 23. — Ширинлик.

III. 9. 18. 15. 22. — Классик шеърятда вазн системаси.

IV. 4. 5. 7. 9. 18. 14. 12. — Қаҳрамон аёл ҳақидаги машҳур афсона.

V. 10. 9. 24. 24. 20. 12. — Сув остида дур изловчи киши.

VI. 13. 17. 19. 9. 24. 20. 4. 14. 18. — Осойишта, тинч.

VII. 1. 3. — Мурожаат, чақириқ.

VIII. 25. 9. 22. — Табиий ёқилғи.

Тузувчи Фаёз ҒАФУРОВ.

КУЛИНГ, УМРИНГИЗ УЗОҚ БЎЛАДИ

Ҳа, шундай деган эди Охунжон қизиқ. Кулги, ҳазилмутойибада габроволиклар билан беллашадиган валломат унчалик кўп бўлмаса керак. Улар ҳатто уруш йилларида ҳам кулгини, айниқса ҳар қандай зиҳни тешиб юборадиган кулгини тарк этишмаган. Болгариялик ҳажвчи Дамян Биряковнинг тўпламидан жой олган уруш йилларидаги зиҳтешар ҳазиллар бунга яққол мисол бўла олади.

ҲАРБИЙ МАШҒУЛОТДА

— Оддий жангчи Холбах, айтингчи, бизнинг жасур солдатимиз бошқа жангчи билан учрашганда қандай саломлашади?

— Бунисн вазиятга боғлиқ.

— Қандай вазиятга?

— Агар у ўзимизнинг солдатга дуч келса бир қўлини кўтаради. Борди-ю рус солдатига рўпарў бўп қолса...

— Хўш, хўш, унда-чи?

— Бундай вақтда икки қўлини бараварига кўтаради.

ҚУЛ КЕЛДИ

1944 йилнинг охирларида гитлерчи солдатларга устига одамнинг бош ва қўл суяги тасвирланган қора қутича тарқатилди. Унда «Диққат! Жуда махфий! Ҳолат ниҳоят даражада жиддийлашгандагина очилсин» деган ёзув бор эди.

Жангчи Ганс бу қутичани анча вақт кўз қорачиғидай асраб юрди. Ниҳоят, тиғ суякка етди. Чидаб бўлмайдиган ҳолат юз берди. Ганс қора қутичани очди ва бир парча оқ матога кўзи тушди.

Шундай. Қора қутича Гансдан ташқари минглаб бошқа жангчиларнинг ҳам ўз ихтиёри билан асирга тушиб, жонларини сақлаб қолишига сабаб бўлди.

ГИТЛЕРНИНГ ҲИЙЛАСИ

Рус қўшинлари томонидан бирор шаҳар ёки аҳоли пункти озод қилинганида Москва 224 тўпдан бир йўла йигирма марта ўқ узиб салют беришини Гитлерга айтишганда, унинг сўниб бораётган кўзларида умид учқуни чақнади.

— Жуда соз, ҳар бир аҳоли пункти учун 4480 та снаряд!

Гитлер қўшинларнинг ёппасига чекиниши ҳақида фармойиш қилди.

— Шундай қилсак, — изоҳ берди Гитлер қўмондонларга, — руслар тез орада снарядларини сарфлаб бўлишади. Биз уларни оппа-осон эзиб ташлаймиз.

СОДИҚЛИК

— Оддий жангчи Ганс, фюрернинг партияси сен учун нима?

— Туққан она, жаноб обер-лейтенант!

— Фюрернинг ўзи-чи?

— Ота, жаноб обер-лейтенант!

— Унинг учун нималар қилишга қодирсан?

— Қип-қизил етим бўп қолишга, жаноб обер-лейтенант...

ХОНАВАЙРОН БЎЛМАСЛИК УЧУН

Гитлерчилар қувиб чиқарилган кичик немис қишлоғида истиқомат қилувчи бир киши шошилинч равишда Гитлернинг портретлари ва бюстларини сотиб ола бошлади. Бундан ҳайратланган ҳамқишлоқлари бу хатти-ҳаракатнинг сабабини сўрашди.

— Биласизларми, — деди у вазмин, — хонавайрон бўп қолаёздим. Чунки шахсий корхонамга келувчилар сони кундан-кунга сийраклашди. Фюрерга таҳсинлар бўлсинки, у мени қутқарди.

— Қандай қилиб?

— Мен шахсий тир соҳибиман. Фюрернинг портрет ва бюстларини нишон ўрнига қўйишим билан спорт ихлосмандлари ўн чандон кўпайди. Нишонга ҳам жуда аниқ уришади, азаматлар.

ЯШИРИНЧА...

Уруш йилларида Германияда бир қонда жорий қилинган: кино экранида Гитлер пайдо бўлиши билан томошабинлар ўринларидан туриб «Хайль Гитлер! Хайль Гитлер!» деб қичқиришлари шарт эди.

Бир сафар ана шу қондага қанчалик амал қилинаётганига ишонч ҳосил этиш учун Гитлер кинотеатрга яширинча келди.

Уни партерга ўтқазишди, атрофида шахсий соқчилар ғужғон. Ҳарбий парад ҳақидаги фильм бошланди. Экранда Гитлер кўринниши билан барча томошабинлар, жумладан соқчилар ҳам ўринларидан туриб «Хайль Гитлер!» деб қичқириб юборишди.

Фақат Гитлер қимирламади, жилмайганича ўтира берди.

Бу воқеанинг гувоҳи бўлиб, Гитлернинг орқа томонида ўтирган бир томошабин унинг елкасига қоқиб қулоғига секин шивирлади:

— Ҳой, сўтак! Ўрнингдан тур, бақир! Нима, шу махлуқ учун бошингдан ажрагинг келяптими?..

СИНОВ

Немис офицери фашистлар босиб олган болгар шаҳридаги аҳолининг гитлерчиларга қандай муносабатда эканлигини билмоқчи бўлди. У дуч келган биринчи ўткинчини тўхтатиб сўради:

— Партизанларга хизмат қилишни истайсанми?

— Парвардигорнинг ўзи асрасин!

— Фюрер армияси учун-чи?

— О! Фюрер армияси учун кеча-ю кундуз ишлашга тайёрман.

— Балли! Бошқача жавоб кутмагандим. Хўш, ўзинг ким бўлиб ишлайсан?

— Тобутсозман...

ХАЛОСКОР УСУЛ

Геббельс ҳақида гап кетди.

— Агар Германия таслим бўлса у нима қилади?

— Йўлини топади! Аниқроғи, ҳайвонот боғига боради-да, онадан туғилгандай маймунлар қафасига ўзини уради. У ерда руслар уни танимайдилар.

— Сизнингча маймунлар уни ўз жамоасига қабул қиладими?

(«КРОКОДИЛ»дан таржима).

Спорт ахборотн

БАСКЕТБОЛ

Новосибирскнинг «Динамо» ва Италиянинг «Примиджи» баскетболчи қизлари ўртасида Европа чемпионлари кубоги учун сўнгги финал матчи бўлиб ўтди. Римда ўтказилган учрашув «Примиджи» клубининг ғалабаси билан тугади — 76:71. Эслатиб ўтамиз, бу командалар мазкур ўйин натижасидан қатъий назар 23 мартда Дюссельдорфда бўладиган суперфиналда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишган эди.

ФУТБОЛ

Тбилисининг «Динамо» командаси мавсум олдидан халқаро учрашув ўтказди. Грузиялик футболчилар Руставида Швециянинг «Гётеборг» клуби билан куч синашдилар. Учрашув тақдирини динамочи Кеташвили киритган ягона тўп ҳал қилди.

Афғонистон терма команда республикамизда охирги учрашувни ўтказди. Меҳмонлар Фарғонада «Нефтяник» коллективига 0:1 ҳисобида ютқаздилар.

ШАХМАТ

Испаниянинг Линерес шаҳрида халқаро мусобақа давом этаяпти. Пешқадам — голландиялик Тимман саккизинчи турда совет шахматчиси Юсупов билан дуранг ўйнади. Шунингдек, Георгиев — Хьяртарсон партиясида ҳам қучлар тенг келди. Иллесказ — Николич, Любоевич — Чандлер, Нанн — Белявский, Портиш — Чибурданидзе учрашувлари кечиктирилди.

ХОККЕЙ

Мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида навбатдаги учрашувлар бўлиб ўтди. Сафарда қўш ғалабага эришган «Молот» командаси ҳисобидаги очколарни тўрттага кўпайтирди. Пермликлар Уфада маҳаллий «Авангард» коллективини мағлубиятга учратдилар — 3:1, 6:3.

Бошқа ўйинлар натижаси: «Кристалл» (Саратов) — СКА (Свердловск) — 3:7, 5:4, «Автомобилист» (Қарағанда) — «Кристалл» (Электросталь) — 3:2, 1:5.

ВОЛЕЙБОЛ

Новосибирскда олий лиганинг эркаклар командалари 7—12-ўринлар учун баҳс юритишаяпти. Улар орасида Тошкентнинг «Динамо» командаси ҳам бор. Волейболчиларимиз галдаги матчда «Локомотив» билан учрашиб, 3:0 ҳисобида устун келдилар.

Бошқа учрашувлар натижаси: «Искра» — «Север» — 0:3, «Уралэнергомаш» — «Радиотехник» — 3:1.

Редактор
А. Ғ. МУХТОРОВ.

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ»—«СЕЛЬСКАЯ ПРАВДА»
Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана
Выходит на узбекском и русском языках.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари —33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул секретарь — 33-09-93, 32-56-26. Секретариат — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими —33-54-33, 32-56-22. Совет қурилиши бўлими —32-56-34. Деҳқончилик бўлими —33-54-33. 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими —32-56-33. Қишлоқ қурилиши бўлими —32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-56-39. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими —32-54-52. Таржима бўлимлари —32-56-31, 32-54-54, 32-54-55, 32-56-28. Иллюстрация бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими —33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

Р — 10890 А. 1047. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12